

АНДИЖОННОМА

ёхуд

САРГАРДОН

(қисса)



Нодир Шамс

Биринчи боб

I

Аввал бошда фақатгина қўрқув, бутун аъзойи баданини исканжага олган, вужуд нима бўлибди, бутун ишуурини, ҳар бир фикр учқунини забт этган чексиз бир қўрқув бор эди. Тинимсиз қуяётган жала, осмон қасиргалари-ю ён-атрофида ўзи каби жон қайғусида чопиб бораётганларнинг ҳайқириқларидан бино бўлган талвасага солувчи бу ҳайвоний ҳис, аслида, ўзи ин қурган вужудни ҳаракатсиз михлаб ташлаши лозим эди, аммо бунга қарама-қарши ўлароқ, айна даҳшат туйғуси унга гайритабиий тарзда қувват берар ва тинимсиз олдинга, ҳар қандай қадр-қиммат тушунчаларини ер билан яксон қилган бу макондан олисларга қочшига ундарди.

У шу дамга қадар ўзига нотаниш бўлган (лоақал у шундай деб ўзини шионтирган) бу шармандали ҳиснинг ҳукмига бўйсунаркан, айна пайтда қўрқув халос йўли ҳам эканига иймон келтирди, илло фақат ўзига ортиқ даражада бино қўйганларгина муҳаққақ ажал қаршисига беҳадик пешвоз чиқадилар, аммо бундайларни у бугун учратмади, демак, ўзи билан бирга алақайси манзилга муттасил ошиқаётганлар барчаси ҳали эс-ҳушларини еб қўйганлари йўқ, демак, у бошқалар манзарасида ҳали шармисор ҳолатда эмас, демак, қўрқув--халос.

“Бошини бир оз кўтаринглар, бир қултум сув ичгизайлик, аъзойи бадани жикқа тер бўлиб кетибди, томоғи қақраб кетгандир бола бечорани. Оёғини маҳкамроқ ушланг, сиз оғзига қошиқ солиб туринг, тилини узиб олмасин... Қўйворди шекилли. Нафаси маромига тушаётганга ўхшайди. Хайрият.”

“Қаердаман? Намунча тор, бунча очофат бўлмаса бу хона, баданим қақшаб кетяпти, суякларимни ғажиб-ғажиб, колган-қутганимни туфлаб-қусиб-қайт қилиб яна менинг устимдан кулади-я. Мана шу бир чимдим зимистон зулматга одам боласи қандай сиғиши мумкин, бунинг устига шу чимдим ичида манави юҳо хона ҳам бўлса, у сени тинимсиз ғажийверса, ғажийверса... Бу одамлар ким? Оёқларим, қўлларим оғрияпти, ай бошим, қўйиб юборинглар мени! Танглайимда маъдан таъми.”

“Яна бошланыпти! Бўшатманглар, қаттиқроқ ушланглар, билакда қувват борми ўзи?! Бунақада бирор жойини майиб қилиб олади-ку.”

Қачондан бери тинимсиз қуяётган жала ҳар жойда қўлмак ҳосил қилган, бу қўлмакларда типирчилаб ётган кўйи умумҳайқириқларга улуш қўшишига тиришаётганлар зум ўтмай яна оёққа турар ва жаҳаннам манзарасини олган бу маконни ортда қолдиришига интиларди. Булар ўзлари каби бошиқа интилаётганлар издиҳомига нечанчи маротаба дуч келиб, туртиниб йиқилар ва яна қайта оёққа қалққани ҳамон, аввалги қочқин йўналишии пароканда бўлиб улгурган эса-да, дуч келган томон қочарди. Шу тариқа савалаб ёгаётган ёмғир ва алақаерлардан келаётган қасиргалар таъсирида бу улкан издиҳом алақандай марказдан қочувчи йўналишлар мажмуига айланганди. У ўзи ўша марказдан қочаётган қай бир йўналишига тааллуқли эканини англамас, зотан англаш эмас, ҳатто бирламчи ҳисларни қайд этиш фурсати эмасди. Биргина ибтидоий ҳис ҳукмрон эди—қўрқув ва бу ибтидоий қўрқувнинг ҳосиласи ўлароқ яна фақат таҳлика ва саросима бор эди.

Аммо анави болакайнинг қўлида шуъла таратаётган нарса нима бўлдийкин? Нақадар кўзни олувчи шуъла. Ахир атроф зим-зиё зимистон, бу ёруғлик манбаи недан бўлса? Шу алфозида, таҳлика исканжага олган ҳолатида қочиб бораркан, энди атрофга қарай бошлади—не кўз билан кўрсинки, бирин-кетин бошқаларнинг ҳам кафтларида тугилган мушт ҳажмида дум-думалоқ шуълалар пайдо бўла бошлаган, яна таажжубланарлиси—ҳамон кўлмакли ҳандақларга қулашда давом қилса-да, одамлар ана шу шуълаларни авайлашга интилаётган, кимдир қўйнига, яна кимдир чўнтақларига яширишга уринарди. Аммо бу яширишларнинг нафи камроқ эди—ҳали у, ҳали бу ерда кимнингдир қўлида ёна бошлаган навбатдаги шуълалар эвазига айни жаҳаннам макони кундуз каби, ундан-да равшанроқ ёришиб борарди.

“Чирокни ўчирсанглар-чиини! Кўзларимни кесиб юборгудай бўляпти. Онам қани, отам-чи? Уларни чақиринглар. Худо хайрингни бергурлар, унгача чироқларни ўчиринглар.”

“Дарпардани яхшироқ тортиб қўйинг, офтобга тоқат қилолмаяпти шекилли, бечора қийналиб кетди. Ишқилиб, дардини берган—дардини ўзи олсин.”

Чор-атроф тобора равшанроқ ёришиб бораркан, иттифоқо ўз қўлларига қаради—бир кафт, дум-думалоқ шуъла. Бу бир мўъжиза эди, бу бир инъом эди—энди унинг ҳам ўз шуъласи бор! Бу орада эса, талотўнда бир-бирини йўқотганлар аллақандай савқи табиий билан (эҳтимол, ҳар кимнинг қўлида ўзига хос нур таратаётган шуъласи туфайли) бир-бирлари томон интилар ва бир-бирлари билан топшиарди. Ҳов ўша болакайнинг қўлида илк бор ёнган шуъладан бошлаб шу вақтга қадар қанча фурсат ўтганини ҳеч ким билмайди—эҳтимол бир неча дақиқа ва, эҳтимол, сониянинг бир улуши ўтгандир, аммо айни фурсат бўлаги гўёки борлиқда бир муҳофаза бўшлиги, бир вакуум ҳосил қилгандек эди—шу фурсат бўлагига жойланган вақт ичида адашганлар, йўқолган ва йўқотганлар бир-бирларини топган, аввалги парокандалик барҳам топиб, яна барча бирга эди. Устига устак, кўрқув ҳисси аллақайёққа гойиб бўлган, ҳозиргина жон талвасасида бўлганларда нимагадир нисбатан аллақандай умид уйғона бошлаган эди. Аммо зум ўтмай атрофни қўпоргудек бўлиб таралган навбатдаги қасирга барчасига барҳам берди.

“Амаки, бир бу йигитга эмас, ҳаммага ҳам қийин. Бу муҳожирлик, бу мусофирлик, бу ватансизлик тобора оғир ботяпти. Уззу-кун у ёқда қолган ота-она, оға-ини-ю фарзандларни ўйлайвериб, соғинавериб, ақлдан озиш ҳеч гапмас экан. Агар ишонсангиз, тўғриси, ухлаганиям кўрқиб қолганман, кўзим илинди дегунча бақир-чақир ва отишмаларни туш кўраман. Жоним халқумимга келиб, шаррос ёмғир остида орқа-олдимга қарамай қочавераман-қочавераман. Даҳшат ичида уйғониб кетганимда эса бутун баданимдан жикқа тер оқаётган бўлади. Мана, неча йилдирки айнан бир хил туш, атрофимдаги кўланкаларнинг ҳайқириқлари, қуроллар ола-тасири.”

Чор тарафдан эшитилаётган қуролларнинг қасир-қусури ўз ҳосилини йиғиштиришига аввалгидан-да жадалроқ киришган эди. Бир фурсатлик муҳофазадан сўнг атрофдагиларнинг қалбига яна ўша таниш ваҳима ин қурган, аммо бу сафар кўрқувнинг сурати бир оз ўзгача, таъбир жоиз бўлса, бир қадар таҳрир қилинган эди. Бу гал барчанинг асос-эътибори ҳар бир каснинг кафтлари ёхуд қўйинларидаги шуълаларга қаратилган, шуълаларни асраб-авайлаш устивор мақсад касб этганди. Оломон устига зимистон қўйнидан худди мана шу - - - - - чизиқчалар каби ёгилаётган ўқлар ва момоқалдироқ гумбурлари-ю яшинлар

жўровозлигида осмондан неча фурсатдан буён қўяётган жала гўё ўзаро иттифоқ тузган эди—улар кафтлару қўйинлардаги шуълаларни баҳамжиҳат бирин-кетин сўндиришига қасд қилган эди. Ана, ўққа учган кимнингдир шуъласи сўнди, яна кимдир бежон қулади. Шу тариқа бу маконни яна қайта шуъласизлик, зим-зиё зимистон чулғай бошлади. Атрофда ҳайқириқ, талваса, зулумот. Балчиққа қоришиб бораётган ҳайқириқлар. Ёнарқуртлар каби аранг судралаётганлар фурсат пойлаб, жон ҳолатда ўзларини ҳар қаёққа ура бошлайди.

“Кечагина уй билан телефонлашдим. Кекса онам билан узоқ гаплашдим, “қачон келасан ўзи болам, мана, бугун чиқиб кетганингга роса фалонча кун бўлди”, дейди бечора. Онам йўлимни пойлаб ҳалиям кун санаяпти экан. Ўзи бу ерларда юриб, одам бир ғалати нарсаларни ўйлайдиган бўлиб қолади, шекилли. Мана, қаранг, одатда, бирор фалокат натижасида, айтайлик, зилзила туфайли соатлар юришдан тўхтаб қолади. Мана шунга ўхшаган офатларга бағишлаб яратилган ёдгорликларнинг кўпларида айнан юришдан тўхтаган соатлар тасвирланади. Нега, нима учунлигини авваллари ўйлаб кўрмаган эканман, энди тушуняпман. Ҳаракатсиз қотган соатлар фожианинг бошланган вақтини аниқ-тиниқ кўрсатиб туради, шу билан бу фожианинг чиндан ҳам содир бўлганига гувоҳлик бериб туради. Менимча, ўша кундан бери менинг ҳам ичимдаги соат тўхтаб қолганга ўхшайди. Инсон бўлиб бунча қон, бунча дод-фарёдларни кўраман, деб ҳеч ўйламагандим. Мана, ҳар қанча ҳаракат қилмай, бу соат қурғурни қайта юргиза олмайман, бу ерларда жоним хатарсиз бўлсаям еганим ичимга тушмайди, ҳеч нарса татимайди.”

Аслида, дастлаб ҳеч ким ишонмаганди, ҳеч ким хаёл дарвозаси ёнига ҳам келтирмаганди, ўқириб келаётган автолар ичида чўк тушган аскарлар ҳоким саройи қаршисида тўпланган оломонни, бири қўйиб, бошқаси минбарда сўз айтишига талпинаётган, неча замонлардан буён ичларда йигилиб қолган арз-додларни ниҳоят баралла айтиши фурсати келганидан сархуш ва демакки, яхши кунлар келишига ўзларида умид сезаётган одамларни шундоққина, ҳеч бир афсус-надоматсиз ёинки бир туки ҳам қилт этмасдан ота бошлашини ҳеч биров тахмин қилмаганди. Эрталабдан бир неча киши аллақайёқдан отилган ўқларга учган бўлса-да, бирваракайига режали асосда қиргин уюштирилишига ақл бовар қилмасди. Ахир биз ўн-ўн беш эмас, юзтамыз, мингтамыз—бунинг учун чексиз ҳад керак, кимнинг ҳадди сизга олади?! Бир товўқни бўғизласанг, ваҳимаси оламни бузади-ку ахир?! Аммо аллақайдадир юқорида, маҳаллий ўлчамдаги Олимп устига чордона қуриб олган яна-да маҳаллийроқ, қаримсиқ бир маъбуд аллақачон ҳукми олийни ўқиб бўлган, калавининг ипини шундоққина чопиб ташлашига амр этиб бўлганди. Шундан сўнг бир қочқин бошланди. Кўп ўтмай бу ҳаракат аввалги хонликлар замонидаги бир шикор шаклини олди, бу гал ўлжа беозор паррандалар эмас, балки омонлик истаб бораётган бир издиҳом оломон эди. Сал ўтмай тузоққа маҳкам тушган издиҳомда, олатасир ўқлар ёмғири ва тинимсиз қўяётган жала туфайли, мислсиз парокандалик содир бўлди. У айни парокандалик ичра бораркан, шуълалар пайдо бўлиши манзараси-ю аллақандай куч таъсирида муваққат муҳофаза воқеъ бўлганига гувоҳ бўлди, сўнгра яна ўша қасиргалар, ўша фарёдлар, балчиққа қоришиб бораётган фарёдлар. Аслида бу қочқиннинг адоги борми, нақадар имиллайди воқеалар, ўзи айни пайтда иштирок қилаётган, аслида иштирокдан қочиб бораётган бу воқеа манзаралари нақадар имилламаса. Нақадар инсон қадрини ер билан яксон этувчи сусткашлик. Баайни айнан ажал манзарасини матога нақшлаб, ўлмас асар яратишига чоғланган мусаввир буюртмасини амалга оширишига масъул сусткашлик. Сусткашликки, аллақайда пистирмада ётган аскар тарафидан узилган ўқнинг нишонга қадар бўлган бутун масофа давомида ёмғир ва

фарёдлар билан тўйинган ҳавода узлуксиз бир зовак найча шаклида нақш пайдо қилиши ва алалоқибат омонлик илинжсида балчиқдан бошини кўтараётганнинг қоқ пешонасига аста-аста, аммо беомон сингиб-ботиб бориши, айна пешона соҳибининг чехрасида адоқсиз алам белгиларининг сизиб чиқиши ва аллақанча фурсат ўтгач эса сония аввал кимсанинг боши бўлган нарсанинг чор тарафга сочилиб кетиши.

(Хунрезликнинг эртаси кун и мен ҳамроҳим билан Чўлпон шоҳқўчаси бўйлаб борардик. У ерда биз даҳшатли манзарани кўрдик, бунинг даҳшатини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Асфалт кўчада ҳалқоб-ҳалқоб қон қўлмаклар ҳосил қилган, инсон миялари бўлаклари ҳар жойда сочилиб-ёпишиб ётарди. Яна бетартиб сочилиб ётган аёллар шиппаклари-ю мажақланиб кетган шамсия соябонлар бу ерда чинакам қирғин бўлганига гувоҳлик бериб турар, аммо атрофда жасадлар кўринмасди. Жасадларни кеча тундаёқ аллақайқа олиб кетишганди—матбуот хабаридан.)

II

Бу бир туш эди, неча замонлардан буён деярли ҳар тун кўраётганим тушнинг қарийб ўзгинаси, аммо ҳар кун (кимдир) сезилар-сезилмас ишлов бериб турадиган тушнинг қарийб ўзгинаси эди. Ажнабий шаҳарнинг бундан-да ажнабий, бегона кўчаларида кезарканман, осмон кўксига найза қадаган бинолар пештоқларига битилган ёзувлар ва кўча номларини ҳижжалаб ўқийман. Қачондан буён бу машғулот мен учун маҳаллийлар сўзлашадиган, овоз пайлари шамоллаган каби алланечук товушларга ружу қўйган “autochtoon”лар забонини эгаллаш воситасига айланган. Мана, *Damrak*, *Kalverstraat*, *Waterlooplein*. Яна бошқаларининг номлари--*Weteringsplantsoen* ва *Oudezijds Voorburgwal*. Пештоқлардаги ёзувлар ҳам турфа хил—“*Welkom bij ons!*” (“Хуш келибсиз!” ёки жайдари таржимаси - “Тортинмай кираверинг!”), “*De lekkere meiden voor jou!*” (“Жононлар хизматингизга мунтазир!”). Яна ҳар қадамда “Coffeeshop” ёзувли дўкончалар. Бу юртга келганимизнинг дастлабки пайтларида чиндан (ўнгимда) юз берган воқеа (тушимда) ёдимга тушади. Бир гал аборигенлар шаҳрини тадқиқ қилишга бел боғлагандик. Ҳамроҳлар билан шаҳар бўйлаб кўп юрдик, бир маҳал кимдир озроқ нафас ростлашни таклиф қилди ва маҳаллийлар одатига кўра қаҳва ичишни лозим топдик. Шу яқин орада кўзга ташланган қаҳвахонани топиб боргач, пештахта ортидаги хонимга (бир амаллаб) ниятимизни маълум қилдик. Хонимнинг юзларида аллақандай маҳаллий ишорат ва белгилар пайдо бўла бошлади, аммо биз зўр бериб истагимизни уқдиришдан қолмасдик. Алалоқибат, қаҳвахона бекаси шу ерда ўтирган бир қиёфадошимизни кўмакка чорлади. Айна турк биродарнинг бизга айтишича, бу ерда фақат ичиш мумкин экан, бизнинг ҳам ниятимиз шу эди, ахир. Бу орада эса бу ягона тилмочнинг ҳам ҳаракатлари зое кетганини англаган кунда-шундалар ҳар тарафдан бизни исканжага ола бошлади, ҳар бирининг қўлида тутун бурқсиётган найчалар, татиб кўришга астойдил ундашга чоғланишганди. Биз эса, албатта, бу ердан қўлни силтаб, ортга равона бўлгандик.

Агар яна тушга қайтар бўлсак, мен тушларимда бу ажнабий шаҳар кўчалари бўйлаб юрарканман, ўша турфа ёзувларга кўзим тушади, ичкаридан алвон нур таратиб турган ҳажмдор ойнаванднинг шундоққина сиртига битилган айримларини ҳижжалаб, тушунишга астойдил уринаётганимда эса дафъатан дарпарда кўтарилади ва ичкарида яққол ишоралар қилаётган шир яланғоч ойимча пайдо бўлади. Сўнгра кўшни дарпарда кўтарилади—у ерда ҳам худди шундай ойимча, сўнгра нариги дарпарда, яна, яна, яна—ҳижолатдан ерга киргудек бўлиб нари қочаман—қип-яланғоч хонимлар маконларидан ташқари отилиб, ортимдан қах-қах отиб кулишади, устига устак, бу мавзени тўлдирган

шинавандалар ҳам уларга жўровоз бўлади. Мен эсам муюлиш кетидан муюлишни ортда қолдириб, бири бошқасидан фарқ қилмас торкўчаларда батамом адашаман. Иттифоқо ёхуд дафъатан навбатдаги муюлишдан бошларида сават кўтарган оппоқ рўмолли аёллар издиҳоми кўринади—бу манзарадан жойимда тек қотаман. Улар яқинлашаркан, беихтиёр ҳар бирига елка тутаман, яхшимисан, болам, кўринмай кетдинг, Салтанат момонг неварасини чиқаряпти, ашинга йўқлагани боргандик, мана сенга тўй нони. Улар йўлида давом этишади, кўлимда нон билан маҳаллага кириб бораман, негадир инсон зоти кўринмайди, ҳамма Худоёр отаникига ҳашарга кетган бўлса керак, неча йилдан бери Николай замонидан қолган уйини янгилайман деб юргучи эди. Ўша тарафга йўл соламан, йўлда борарканман, шом туша бошлайди, осмонни зимистон булутлар қоплаб, аллақайдадир қасирғалар эшитилади, юракка ғулу тушади. Бир маҳал зимистон ичидан тумонат оломон фарёдлар билан мен томон ёпирилиб кела бошлайди, ҳар бирининг кафтида сокин шуъла таратаётган алланарса. Зум ўтмай тумонат ичра қоламан ва мўъжиза—менинг ҳам кафтимда бир шуъла ёриша боради. Бир кўлимдаги шуълага, бир рўпарамда бехос пайдо бўлган аскар ўқталган қуролга тикиламан. Қурол менга йўналтирилган, унинг ўлжасига айланганим шаксиз—мана, ҳозир гумбур эшитилади ва парда ёпилади. Аммо намунча имилламаса, кутиш нақадар азоб...

III

“Бояқиш алахсираяпти. Иситмаси жуда баланд-ку, буларнинг “Тез ёрдам”и қачон келаркин, хабар олдингларми?”

“Ресертсиондагилар айтишяпти, ҳозир келиб қолади, касалхонага кетишга тайёр бўлиб турсин дейишди.”

Беаёв қиргин, беомон қочқин қанча давом этганини билмайди. Билгани фақат шуълалари аллақачон сўнган ёхуд сўнги нурлари бир маромда зимистонга сингиб бораётган жасадлар аро ётаркан, ич-ичидан келаётган телбанамо фарёдни тўхтатишига интиларди. Атрофида воқеъ бўлган манзаранинг рўё эмас—чинлигига ишонишига шуури йўл қўймас, танини ҳаёт тарк этган инсон жасади бу қадар хунук, бунчалар пажмурда бўлишига ақли бовар қилмасди. Ана, чақалогини қўллари билан пана қилаётган каби қулаган жойида тош қотган аёл. Унинг ўнг юзи асфалтга ёпишган, оёқлари эса ўнг тарафга қайрилиб қолган. Бири қуйини, бошқаси эса юқорини кўрсатаётган қўллари билан нимага ишора қилаётган бўлса? Чамбарак ёхуд кўҳна ҳиндовий рамзга айланган жасад. Во дариг, чақалоқнинг қўллари қани?! Анави, афтидан сония аввал ўққа учган ва бошининг бир қисми ўпирилиб кетган одам чалқанча тушган кўйи бунча дир-дир титрамаса! Ажал рақси. Нимчорак, чорак, ярим-ёрти таналар. Бошсиз, қўлсиз, оёқсиз таналар. Пажмурда жасадлар.

(Аскарлар ҳокимият қаршисидаги майдонни ўққа тутғач, одамлар у ердан қоча бошлашди. Аммо барча кўчалар тўсиб қўйилган, шунда оломон ягона очиқ йўл туйилган Чўлпон шоҳқўчаси бўйлаб юрди. Улар орасида бир қанча қуроллилар ҳам бор эди, афтидан, ҳокимиятни ишғол қилиб туриш ортиқ бефойда эканини тушунган “акромийлар” ҳам кетишга қарор қилишганди. Майдондан чекинаётганларнинг миқдори бир неча минг эди. Аммо сал ўтмай рўпарада БТРлар турганини кўришди. Чўлпон кинотеатридан ўтилиши ҳамон ҳеч бир огоҳлантиришсиз ҳарбий машиналардан бирваракайига ўққа тута бошлашди. Аёллар ва болалар доҳил юзлаб одам ўша жойнинг ўзида ер тишлади. Сўнгга аскарлар бирма-бир юриб, жон талашиб ётган ярадорларни, ёш болаларни “тўла

кафолат” учун отиб чиқишди. Бу газандаларни ким туққан, уларнинг ҳам онаси борми?!—шоҳид ҳикояларидан)

Пажмурда жасадлардан, қўллари, оёқлари ва бошлари қўпориб ташланган таналардан оқаятган қонлар қачондан бери тинимсиз қуяётган жала билан омухталашиб, ўйдин-чуқурларни тўлдирган, ундан ҳам тошиб, йўл четидаги ариқ сувларини кўпиртирганча аллақаяққа шошади. Тиним билмай қуяётган бу жала ва унга жўровозлигини бас қилмаётган чақинлар аслида нима эди? Тангри бу шармандали фожеа таассуротини чандон ошириши учунми қиргин маҳали ўз офатини ерга йўлади ёхуд бу ерда қақшаган одамлар қонини ҳар қатрасига қадар, увол бўлмасин учун, асил жойига тезроқ элтиши истагимиз эди бу? Эҳтимол, бу қиргинбаротда чироғи сўнган лоақал ўша чақалоқ қисматига нисбатан Унинг қайғуси эди бу манзара.

Шуурда яшин каби чақнаган бу ўйлар ўша пайтда, жасадлар билан лиммо-лим ўша жойда унинг хаёлидан ўтдимиз ёки йўқ—номаълум. Балки, буларни ўша машъум дақиқаларни муттасил хаёл чизгиригидан ўтказиши, ўтказавериши дардига мубтало бўлган кунларнинг аллақайси бирида ўйлагандир, аммо нима бўлганда ҳам ўшанда ёки ҳозир мурдазор ичра ётаркан, пароканда таналарнинг беўхшов кўриниши ва... ва қон ҳиди, май қуёшида кун бўйи тобланиб, энди эса ёмғирни ўзига эмаётган асфалт қўлансаси билан омухталашган қон ҳиди уни батамом ақлдан оздирди бошлади. Яқинлашиб келаётган телбалик сўқир тишларини беомон ботираётганини сизди ва ҳали-бери тинай демаётган осмон қасиргаларини-да, ярадорларнинг оҳлари тингач, атрофга иниб бўлган сукунатни-да қўпориб юборар даражада бир фарёд бўғзидан отилиб чиқди.

Иккинчи боб

IV

“Rustig aan, schat. Alles komt goed. Willen jullie hem vast houden?”—Ажнабий юртнинг малласоч ҳамшираси уни эркалагансимон тинчлантиришга уринар, ҳамширанинг овози алланечук хуш ёқа бошларкан, жилақурса унинг ҳафсаласини пир қилмаслик учун ҳам навбатдаги жавадан жунбушга келаётган вужудини жиловлашга тиришарди. Тиришқоклиги муваққат самара берар, шунда атрофни кузатишга бошларди. Касалхонанинг шинамгина хонаси. Ётган ўрнининг бош тарафида митти чироқлари тинимсиз милтиллаётган аллақандай ускуна. Ҳозиргина мулойим овозини эшитган ҳамшира билакларини пайпаслаб, йўғон томирини излаш билан овора. Қўллари увушиб оғрий бошлади, уқалагиси келди. Шундагина оёқ-қўллари ўринга боғлаб қўйилганини билди. Силтаниб, қўлларини бўшатмоқчи бўлди, бўлмади. Ҳаракатга келганини сезган ҳамшира унга қараб жилмайди. Ҳамшира хонани тарк этишини кутиш лозим эди. Томирларига дорини йўллаб бўлгач, алланарса деб чиқиб кетди. Бу чулчитларга тушунтириб сарсон бўлгунча ўзи ҳаракат қилгани маъкул. Қўлларидан кор бўлмагач, оёқларини галма-гал силтай бошлади, бунча қаттиқ боғлаб ташламаса, жиннихонада ҳам бундай қилишмайди. Шу зайл чиранишда давом қиларкан, бу орада унинг ҳаракатлари вақтинча оромга кетган вужуд жавадасини уйғота бошлаганини билмасди. Шуурининг қай бир қоронғу нуқтасида қайта бошланган дард жилвалари шитоб билан барча

хужайраларига, барча мускул пайларига дарак бериб улгурган, боғичдан бўшаш уринишлари навбатдаги даҳшатли талвасага ўсиб ўтганди. Яна зулмат, зим-зиё зимистон.

* * *

Зимистон қўйнида чалқанча ётаркан, назарида бу борлиқда биргина унинг вужуди ва вужуди узра соябон бўлган мана шу зимистонгина мавжуд эди. Кўз илгар-кўз илгамас уфқларга томон ястаниб ётган унинг вужуди ва баайни жодулар юбориб, бош кўтаришига бўлган ҳар қандай ҳаракатларини бесамар этаётган мана шу зулумот - зимистон. Зимистон деворларига илинган вақт аллақачон бир-бир тўкилиб адо бўлган ва у энди шу ҳолатида кечган кунларининг ҳисобидан батамом адашган эди. Бунда тун ва кун, тонг ёхуд шом тушунчалари амал қилмас, аллақайдандир юқоридан бир тишлам нур тушишини кутиш беҳуда умиддан бўлак нарса эмасди. Шундай экан, айни яхлит қоронғу матоҳ қўйнида биргина алаҳсирашлар - бошланиши номаълум, якуни эса ҳали белгиланмаган алаҳсирашлар измида бўлиш ягона воқелик эди. Бу гал ҳам (нечанчи галдир) ўзини баҳайбат алаҳсираш гирдобни ичра топаркан, чинакам туйғулар, ҳов нарида, мана шу қоронғуликлар чегараси ортида (чегараси борми ўзи?) амалда бўлган чинакам туйғуларга қарийб эш ва бақамти ҳислар уни яна нечанчи маротаба ўз забтига олади. Ана, болалиги кечган ҳовли. У мана шу уйда ўсиб-улгайди, ҳар оқшом момоси ҳикоя қиладиган эртақлару ривоятлар уни уйқуга элтар, аммо ҳар тонг бошқа бир уйда уйғонарди. У кўзларини ишқалаб, бу тунги тушларнинг сўнги аломатларини қувиб соларкан, атрофга ҳайрон боқади, бегоналик ҳисси таҳликага солади. Сал ўтмай ҳовлида куймаланиб юрган онасига кўзи тушади ва тунда ухлоқ эканида дадаси уни олиб келганини тушунади. Нонушта қилиб олгач, яна кўчага шаталоқ отиб қочишлар, яна момонинг уйи, яна эртақ ва яна бегона уйда отган тонг. Ҳар кеч жон қулоғи билан тингланган эртақлар сўйланган кунлардан неча замонлар ўтгани номаълум. Аммо, мана у ҳозир яна ўша ҳовлида, аллақандай юмуш билан овора. Сал нарида эса ичкаридан улоқтирилган китоблар. Энди ўтмишига айланган бу китобларни ким истаса, олиб кетаверсин. Кун тобида ҳориган танага ором бериш учун хоналардан бирига киради. Яқинлари алланималар ҳақдадир суҳбат қуришади. Хонанинг у бурчидан бу бурчига чопаётган ажабтовур жасажжи маҳлуқларга кўзи тушади. Эшилувчан матодан бино қилинган, атрофдаги одамларнинг кайфиятлари тебранишларига кўра шаклларини моҳирлик билан дамбадам ўзгартираётган бу жонзотларнинг ҳатти-ҳаракатлари уни таажжубга солмайди. Момонинг ёнига чордона қуради, момо бир пиёла чой узатади. Чой хўпларкан, кўзлари уйқуга илина бошлаганини сезади. Шу дам атрофда бирдан тушуниксиз таҳлика бошланади. Ташқарига отилиб чиқаётиб, остонада ҳалиги маҳлуқлардан бирига қоқиниб йиқилади. Йиқилаётиб, бақамти тартиб билан бўй чўзган боғидаги дарахтларнинг бари баайни бир ишора билан ёна бошлаганини кўрди. Бир вақтлар отаси кўнглига туккан ниятлар билан ўтқазган хурмолар мевага кириб қолган, ҳадемай гарқ пишиб етилиши шаксиз эди. Мана энди улар бирин-кетин оловга ем бўлмоқда. Биргина бу эмас, қўшни уйларнинг томлари-ю кўчада саф тортган симёгочлар ҳам шу сониянинг ўзида аланга ичида қолган, атрофда олов бўрони қутура бошлаган эди. Йиқилар экан, иттифоқо шундоққина боши узра темир қанотлари бутун ҳовлини забтига олган алланима офтоб нурларида ярақлаб учиб ўтди. Шу заҳоти боши алланарсага қаттиқ урилди – атрофни яна зимистон қоплади.

Ҳамон шифохонада қолар экан, муттасил алаҳсирашлар исканжасида қанча фурсат, неча кун ва балки ҳафталар бўлганини билмайди. Бу ҳақда ўзига савол бериш ҳолатида эмасди. Билгани фақат босинқирашлар, таҳликалар остида алланарсалардан аллақайққа қочишларга уринишлардан бино бўлган бу тунги тушлардан навбатдаги куннинг эрталабига қайтиш азоби. Ўша тушларнинг муз қоплаган юзасига чиппа ёпишган вужудини, қўл-оёқлари-ю сочининг ҳар бир толасини бирма-бир суғуриб-кўчириб олиш ва бу кунга қайтиш азоби. Бу кунда эса уни ҳамшираларнинг мулойим табассумлари қарши олишларини бошидан кечираётган барча азоблари учун муносиб мукофот тарзида қабул қилиши табиий нарса эди, аммо буни англаб етгунига қадар яна бир қанча фурсат ўтди. Фикрлари тиниқлаша бошлар экан, ўзига қарата алланарсалар деб чулдираётган малласоч ҳамширанинг гапларини тушунишга зўр бериб тиришар, аммо ушбу ҳолатида лисоний мағлубиятни эътироф қилишдан бошқа чораси қолмаганди. Айни пайтда хонимчанинг бўлиқ қадди-қоматини беихтиёр тадқиқ қила бошлаганини сезди, ўзининг китмир табиати яна қайта бош кўтараётганини билди ва Буэндиалардан бири айтгани каби “Кўпайишинглар, сигирлар, ахир ҳаёт шунчалар қисқа!” деб ҳайқиргиси келди. Бироқ, сал ўтмай билдики, у ҳамон ўрнига боғлаб ташланган, нафақат тура солиб хонимчани қучиш, балки айни вазиятга хос маълум масалада унинг эътиборини тортиш ҳам амри маҳол эди ва шу ҳолатида фақат масофадан турибгина бу малакнинг барча пасттекислиklarини тадқиқ қилишда давом этиш қолаётган эди, холос. Аммо, табиат барчасидан устун - не ажабки, ҳар қандай сергак аёл каби бизнинг ҳамшира ҳам ўрнига миҳланган бемор юбораётган флюид-ишораларни аллақачон сезган, шу боис кўнглига недир ёқимли режани туккандек эди. Яшасин флюидлар!

(Аёллар қулоқлари билан, эркаклар эса кўзлари билан севадилар, қабилдаги алмисоқдан қолган гаплар у қадар асосга эга эмасдир. Аслида эса, қарама-қарши жинс вакиласини жалб этишда танамиз таратаётган бўйларнинг ўрни муҳим. Чинакам ошиқ бўлгунга қадар кечадиган илк ҳиссиётларимизни айнан “флюидлар” сўзи тўла-тўқис ифодалай олади. Афтидан, икки инсон орасида дафъатан кўзга кўринмас ришталар пайдо бўларкан, бу ҳолат туйғуларни жунбушга келтиради. Қалб ва ё шуурнинг аллақайси бурчида элас-элас ҳаяжон уйғонади, аммо бу енгил тебранишлар бутун вужудингизни тўлқинлантириб юборади. Баайни уммонда узоқ саргардонликдан сўнг илк бор қадрдон соҳилларни кўрган каби. Худди мана шу нарсани муҳаббат ишоратлари ёки флюидлар, деб аташ мумкин. Аммо, бунинг умри у қадар узоқ эмас – ҳаёллар ва истакларнинг ижобат бўлиши оқибатида улар ғойиб бўлади ёхуд бошқа бир қуйроқ нарсага айланади.- қомусдан)

У ўрнида жим ётаркан, тил билмаслиги алам қилди. Ҳозир, айни пайтда унинг учун бутун оламда мана шу малласоч хонимдан бўлак қадрдон инсон йўқ эди. Шаккоклик эмас – қадрдонларининг барчаси аллақайси олис, бошқа бир воқеликда яшар, уларга томон йўналтирилган соғинч, қўмсаш ўйлари бир зумга бўлсин қадрини йўқотмаган, аммо муттасил давом қилгучи алаҳсирашлари ва малҳамдориларнинг хос ҳидларига тўйинган шу тўрт девор ичида гўё бошқа қонуниятлар амал қила бошлагандек эди ва унинг қалбида кечаётган жараёнларнинг ягона манбаи ҳам, манзили ҳам шу ҳамшира эди. Ҳамшира аллақандай эмдори тайёрлаш баробарида хонанинг у бурчидан бу бурчига бориб келар экан, бизнинг бемор ётган жойида унинг ҳар бир ҳаракатини назардан қочирмасликка тиришар, унга сайин хоним ҳам ора-сира қув назар ташлаб, қалбини туғёнларга тўлдириб юборарди.

(Туғила бошлаган муносабатларнинг дастлабки босқичида муҳаббат флюидлари ҳаракат учун бир ишорат каби қабул қилинади. Ҳис-туйғулар жунбушга келиши ортидан флюидлар миқдори ҳам орта

боради, бошқа жинс вакиласига нисбатан бўлган эътибор юқори нуқтасига кўтарилади. Ҳатто Бальзак ўз вақтида ёзган эдики, “туйғулар, эҳтимол, аллақандай флюидлар учун моддий оқим вазифасини ўтаса керак, уларнинг миқдори эса ҳар кимда ҳар хилдир”. Айтилганларнинг барчасига шуни қўшимча қилиш мумкинки, муҳаббат флюидлари аслида моддий асосга эга, бу асоснинг мустаҳкамлик даражасини эса инсон вужудида кечаётган биокимёвий эврилишлар белгилаб беради. — қомусдан)

* * *

“Сиз бунчалар гўзалсиз, гўзаллигингиз манбаи қайдадир?” деб сўрамоқчи бўлди.

“Хуснимни ортиқча кўкларга кўтарярсиз. Ҳамма қатори бир ота-онанинг бир суюкли қизиман.”

“Мен ҳали сиз каби гўзални кўрган эмасман, назаримда сиз асло оддий бир ота-онанинг оддий бир қизи эмассиз.”, эътироз билдирмоқчи бўлди.

“Кўп кунлар беҳуш ётдингиз ва ўзингизга келгач илк бор кўргангиз менман. Шу сабаб кўзингизга бошқача кўринадирман.”

“Сиз ёлғизмисиз?”

“Ёлғизман.”

“Мен ҳам ёлғиз. Шу ҳолатимда сизни алаҳсирашларга лиммо-лим ўша тушларимга-да олиб кетишни истайман.”

“У ерларда нима қиламан?”

“У ерларда фақат иккимиз бўламиз. Зимистонимга нур олиб кирасиз.”

“Кейин-чи?”

“Мени даволайсиз, ичимдаги зулматни ниҳоят қувиб соласиз.”

“Ундан ҳам кейин-чи?”

“Иккимиз узоқ-узоқ йиллар бахтли бўламиз!”

“Ээ, бор-э, аравени торт! Ман бу ерда ҳали ипотекани тўлашим кере, қаторлашиб турган ану жулдирвақаларри қорнини боқишим кере, сани алаҳсирашларингда сандирақлаб юришга вохтим йўў мани, билдин!”

Кимдир бошидан муздек сув куйиб юборгандай бўлди. Аланглаб атрофга қаради. Кўзлари малласоч хонимнинг кўзлари билан тўқнашди. Ҳамшира истехзо аралаш нимтабассум билан унга тикилиб турар, шу алфозида худди “қимирлашга мажолнинг йўқ-ку, яна менга флюидлар юборасан-а!” деяётгандек эди.

Учинчи боб

VI

Эртасига кўл-оёқларини бўшатишди, умумий ҳолати бирмунча ўнганган, талваса ҳуружлари ҳам аввалгидек мунтазам эмасди энди. Нонуштага олиб келинган товук шўрвани паққос тушираркан, иштаҳаси очила бошлаганини билди. Агар ишлар шу йўсинда кетса, ҳадемай рухсат бериб юборишади. Шу маҳал палата эшиги очилиб, малласоч ҳамшира кириб келди. Доимгидек табассум билан саломлашди, яна алланималар деб кўшиб кўйди. У ҳамширани кўп замонлардан буён кўрмаган каби узоқ тикилиб қолди, малласоч хоним ҳамон ўшандай соҳибжамол эди. Аммо бирдан унинг кечаги истехзоли қарашлари ёдига тушиб, кўзларини яширишга жой тополмай қолди. Назарида, ўша дамда хаёлида кечган суҳбатга худди у бевосита шохид ва энди ожизлигини билиб олгач, уни истаганча масхара қилиши мумкин эди. Бу орада эса ҳамшира кўлида шприц ва лабларидаги ўша азалий табассуми билан унга яқинлашди. Ортиқча мулозаматга йўл бергиси келмади ва ёнбошига ўгирилди. Игна думбасига санчиларкан, оғрикнинг зўридан инграб юборди. Ҳамшира узр сўрагандек бўлиб, жойига қайтди ва яна юмушлари билан овора бўлди.

Тунов куни юртдошлари буюмлари орасидан ўзи сўраган китобни топиб олиб келишганди. Шундоққина кўл узатса етгулик масофада ўтирган малласоч хоним ҳақидаги ҳолдан тойдирувчи, бесамар хаёлларга чалғимаслик учун мутолаага тутинди.

“Маъбудлар белгилаган фурсат етгач, улар ганимларини овлашга отланишарди. Муқаддас уруш мавсуми бошланган эди.”

Аслида ҳикояни неча қайта ўқиган, ҳатто унинг бутун бошли саҳифаларини ёд олганди. Шундай бўлса-да, ҳар сафар бу китобни биринчи бор кўлига олаётган каби ютоқиб ўқир, баайни мазасини яхшироқ туйиш учун ҳар бир сўзни қайта-қайта такрорлар, хаёл кўзи билан ҳали у, ҳали бу томонга ағдариб кўрарди. Худди сўзларнинг ковакларида ўзи илғамай қолаётган яширин ишоратлар бору ва шундай қилса, улар (бу ишоратлар) саҳифаларга тўкилиб, ҳикоянинг яширин маъносини осонгина ўқиб оладигандек. Мана, ҳикоя қаҳрамони меҳмонхонадан чиқиб, мотоциклига ўтиради-да, шаҳар кўчалари бўйлаб тезликни ошириб боради. Марказий кўчадан ўтгач, ҳукумат бинолари (оппоқ ва зангор) ва бир қанча ойнаванд дўконларни ортда қолдиради. Ҳеч нарса фавқулодда ҳодиса содир бўлишидан дарак бермас, у йўл ҳаракатининг барча қоидаларига риоя қилиб борарди. Аммо, кўп ўтмай дафъатан фалокат содир бўлади - пиёдалар учун қизил чироқ ёниб турганига қарамасдан, муюлишда турган аёл унинг йўлига югуриб чиқади. Мотоциклини бошқа томонга буришга уринади - жонҳолатда босилган тормоздан сўнг ғилдиракларнинг аянчли овози, аёл кишининг қичқирғи ва қаттиқ зарба – тамом, ҳушидан кетади. Аммо тез орада ўзига келгач, аёл соғ-саломат эканини билади, фақат лабларида шўр қон таъми, тиззалари зиркираб оғрийди, яна – ўнг кўли жиддий шикаст еган. Шу тариқа уни шифохонага элтишади, расмиятчиликлар, ташхис кўйишлар. Унга ҳазил-мутойиба қилаётган ҳамширалар куршовида ўзини салкам бахтли сеза бошлаган, фақат дам-бадам ошқозонидан кўтарилиб келаётган ёқимсиз алланарса умумий манзарага ноҳушлик бағишлаб турарди.

“Бу ҳидлар билан тўйинган галати бир туш эди. Дастлабига қўланса балчиқ ҳиди димоққа урилди. Бу ҳид йўлнинг шундоққина сўл тарафида ястаниб ётган, ҳали ҳеч бир кимса чангалидан қутулиб кета олмаган ботқоқликдан таралаётганди. Бирдан балчиқ ҳиди йўқолиб, энди қуюқ ва ацтеклар таъқибидан ўзи қочиб бораётган мана шу тун каби қоронғу нимадир анқий бошлади.”

Ҳикоянинг шу жойига етгач, кўзлари толиқа бошлаганини сизди. Демак, ҳали аҳволи ҳавас қиладиган даражада эмас, ўринда қимирламасдан ўтказилган кунлар ўз ишини қилиб улгурган ва қувватга киргунича яна қанча кун бу ерда қолиши номаълум эди. Атрофга қаради, ҳамшира энди дафтарга бир нарсалар ёзиш билан овора, ҳойнаҳой беморнинг аҳволини қайд қиладиган бўлса керак. Ташқарида эса неча кундан буён тинмай ёмғир ёғар, ташқарига тикилгани сайин қаердадир кулоғига чалинган, оврўпаликлар орасида иқлим ортидан хафақонга чалинганлар миқдори юқори даражада эканлиги ҳақидаги гаплар асоссиз эмаслигига ишонгандай бўларди.

“Ҳаммаси оддий ва тушунарли эди, у овга чиққан ацтеклардан муттасил қочиб жон сақлаши лозим, бунинг биргина чораси эса ибтидоий ўрмон бағрида яшириниши эди. Фақат уларга, мотек қабилисига маълум тор сўқмоқдан адашмаса бўлгани. Инсон ови эса давом қиларди.”

Йўқ, ортиқ ўқий олмади. Толиққан кўзларини чирт юмиб, шу тариқа уларга ором бермоқчи бўлди. Бўлмади. Шифтда сокин нур таратаётган чирокқа тикилиб қолди. Ташқаридан ҳамон тиним билмай қуяётган ёмғир овозлари эшитилар, ҳамшира эса аллақачон хонадан чиқиб кетган эди. Чирокқа имкон қадар узоқ тикилиб, шу тариқа бардошини синамоқчи бўлди. Шу зайлда ётаркан, шифтдаги чирок тобора ажабтовур шаклларни чизар, энди бутун хонани ёруғликка тўлдириб, ҳатто буюмларнинг сояларини ҳам маҳв этганди. Мана, умумий ёруғлик қаъридан ундан-да равшанроқ халқачалар пайдо бўлиб, кўзлари томон яқинлаша бошлади. У ҳамон бўш келишни истамас, яна ҳам зўр бериб тикиларкан, ёруғликдан пайдо бўлган халқалар алоҳида сўзлар ва улардан яралаётган бутун бошли жумлалар эканига ишонч ҳосил қилди. *“Ҳаммасидан ҳам бир бўлакча ҳид унинг тинкасини қуритар, баайни тушининг мутлақ моҳиятида бўлган нарса ҳозирга қадар ўйинда иштирок қилмаган ноодатий унсурга қарши исён қиладиган каби эди. “Уруш ҳиди анқимоқда”, деб ўйлади у белбоғига қистирилган тош ханжарига беихтиёр қўл узатаркан.”* Бу ўзи ҳозиргина ўқишга уринган, аслида эса неча қайта ўқийвериб ёд бўлиб кетган ҳикоя жумлалари эди. Навбатдаги жумлалар яқинлашишини кутаркан, бирдан шифтдаги ёруғлик манбаида аллақандай тушуниксиз портлаш содир бўлди – шундоқ ҳам электр нурларига тўйинган хона ақл бовар қилмас муттасил оқлик исканжасида қолди. Қўрқиб кетди, қўллари билан ёруғликни тўсмоқчи бўлди, аммо нафақат қўллари, балки ўзи ётган хона ҳам барча ускуналари билан, нафақат хона, балки бутун олам бу ёруғликка сингиб, эриб кетгандек эди. Энди эса худди ўзи ҳам шу манбада эриб, йўқолиб бораркан, фақат ҳамон тиним билмай қуяётган жала товушигина эшитиларди, холос.

VII

Бу гал у ўзини жала сувлари билан тўлган қўланса бир ҳандақда топди. Атрофда ҳамон ўша зулмат, неча замонлардан буён ёғайтган ёмғир эса ҳали-бери тинай демасди. Бу кеча ажал пайконларига нишон бўлганларнинг фарёдлари аллақачон тинган, қора кампир ўз ҳосилини ортиги билан йиғиштириб олган эди. Аммо ҳамон

осмонда чақинлар чақаркан, атроф бирдан ёришиб кетар, шунда қаерда ва қай ҳолатда эканини чамалаш учун ён-берига назар ташлашга имкон бўларди. У адашганди – хандақ деб ўйлагани ортиқ сув юрмай қўйган эски ариқ бўлиб чиқди. Чақин маҳали нарироқда ётган бир нарсага кўзи тушиди – эмаклаб яқинроқ борди – одамга ўхшайди. Пайпаслаб кўраётиб, қўллари шилимишиқ бир нарсага тегди – сесканиб тушиди – жасаднинг қорнидан ичаклари осилиб ётарди. Нарироқда яна бири, яна, яна бошқалари. Жасадлар шу қадар беўхшов ва мудҳиш алфозда қалашиб ётардики, танини ҳаёт тарк этган инсон вужуди бу қадар хунук, бунчалар пажмурда бўлишига ақли бовар қилмасди. Бақриб юбормаслик учун қўллари билан оғзини маҳкам ёпмоқчи бўлди – қўллари қон эди, лабларида шўр бир таъмни туйди. Ошқозонида галаён бошланаётганини сезди, кўнгли ағдарилиб, ўқчиб қуса бошлади. Шу дам сал нарида ўқ овози эшитилди. Вужуди қулоққа айланди, сал ўтмай овозларни фарқлай бошлади – кимдир ярадорларни излаётганди. Чамаси ўн қадамлар нарида савол такрорланди. Бунинг кетидан яна ўқ овози янгради. Нима қиларини билмас, аммо яшаш, тирик қолиш иштиёқи барчасидан устун эди. Аслида бундай ҳолатларда бирор режа қилиш ўринсиз – ҳаёт учқуни сўнмаган вужуднинг ўзи чора топади. Жасадга яқинлашиб, қорнидан оқайтган қонга қўлларини ботирди ва юзларига суртди. Шу жойнинг ўзида юзтубан ётиб олди ва нафасини ичига ютди. Қадам товушлари келаётган томонда кимдир нимагадир қоқиниб йиқилди, беўхшов кулгу кўтарилди, йиқилган одам шеригини бўралаб сўкди. Улар ариқчага яқинлашишиди. Балчиққа қоришиб юзтубан ётаркан, зулмат ичидан ўзига тикилаётган қаҳрли нигоҳларни бутун вужуди билан ҳис қилиб турар, ана, сония ўтмай янграйдиган ўқ унинг умрига бира-тўла залворли нуқта қўйишига шубҳаси қолмаганди. – Мана бу ерда беш-олтитаси ётибди, ҳаммаси таппа-тайёр, - деди бирови. – Яна биттадан ўқ билан сийлаб қўйсак зарар қилмайди, - деди бошқаси ва шу заҳоти нимадир қарсиллаб кетди.

* * *

-Wat is er gebeurt? Rustig, rustig.- Ҳамшира иситмада ёнаётган беморни тинчлантиришга уринарди. Лабларига ҳўлланган докада сув томизаркан, у кўзларини хиёл очиб, ўзи ҳозиргина исканжасида бўлган тушнинг сўнгги қолдиқларини сидириб ташлашга ҳаракат қилди. “Ўзи қайтиб келаётган, хатарларга тўйинган тундан кейинги палатанинг нимёруғ қучоги тенгсиз бахт бўлиб туйилди.” Атрофга аланглаб назар ташлай бошлади – ана, ҳамшира ўзининг бурчагида ойнаванд жовондан эмдорилар олиб, унга навбатдаги уколни тайёрлай бошлади. Шифтга қаради, чироқ ўз жойида осилганча сокин нур таратяпти. Ташқаридан эса энди сушлашган ёмғирнинг бир маромдаги овози эшитилади. У кунлар давомида ўзи истиқомат қилаётган мана шу хонага кўника бошлаганини сезди. Айниқса, ҳов нарида, ортда қолган таҳликали тун исканжасидан халос бўлгач, бу ерда ҳукм сураётган осудалик бағрида энди ўзини салкам бахтиёр ҳис қила бошлади. Ўз иши билан куймаланаётган ҳамширага нимадир илиқ сўз айтгиси келди. Буни сезган каби ҳамшира унга қаради, лабларида ҳамон ўша нимтабассум, аммо бу гал унинг кулгусида зиғирча истехзо йўқ эди, аксинча, алаҳсирашлардан сўнг иситмада ёнаётган беморга нисбатан ачиниш, шафқат аломатлари яққол билиниб турарди. Ҳамшира кўлида шприц билан унга яқинлашди, ёнбошига ағдарилди, игна шундоққина юмшоқ жойига санчилиб, ўша ерини куйдириб юборгандай бўлди. Кўлига китоб олиб, вақтни ўтказиш учун яна ўқимоқчи бўлди. Аммо кўзлари уйқуга тортиб кетаётганини сезди. Эмдори таъсир қила бошлаган эди. Бу гал энди мудҳиш алаҳсирашлардан ҳоли тинч ухласа ажаб эмас. Эҳтимол тутилган тушларини бошқариш, уларнинг ўзанини ёруғ хотираларига буриб

юбориш илинжида болалик дамларини эсга ола бошлади. Батамом мудроқ исканжасида қоларкан, болалиги манзаралари бирор тўсиксиз, табиий тарзда тушига кўчиб ўтди.

Мана, бобоси билан яйловда. Узоқ давом қилган қишдан сўнг далаларга ниҳоят баҳор келди. Қўй-қўзилар ҳам кўкламга чиққанларидан шодмон бўлган каби яккам-дуккам қулоқ чиқара бошлаган кўкатларга кимўзарга қирон келтириши билан овора. Кўкламнинг илк кунларида дунёга келган, туёқларида қувватнинг илиқ мавжсини туя бошлаган барра қўзилар оналари атрофида югургилаб чопади. Қуёш чарақлаб атрофни нурга тўлдирган, бобоси бўлса доимгидек аллақандай тушуниксиз имлода битилган қалин китоб мутолааси билан банд. Бир маҳал олисдан қўзичоқнинг зорланиб маърагани эшитилди. Унинг тинимсиз маъраши этни жунжиктирар даражада мудҳиш эди. Бобоси китобни йиғиштириб қўйиб оёққа қалқди. Иккови овоз келаётган томонга чопиб кетишди. Не қўз билан кўришсинки, ариқчада тимқора бир ит қўзичоқнинг бўғзига тишларини ботирганча бўғайтган, бояқиш қўзичоқ тараша бўлиб қотиб бораётган оёқларини дир-дир силташдан бошқа чора тополмаётганди. Набира ўтакаси ёрилгудек бўлиб, бобосининг ортига яширинди. Барзанги ит бўлса ўзига отилаётган тошлару ҳай-ҳайлашларга парво ҳам қилмас, фақат одамларга ваҳиший кўзларини қадаганча ириллаб қўярди. Бобонинг қўлидаги таёқ зарбига чидолмади шекилли, ниҳоят ит ўлжасини қўйиб юборди ва нари кетди. Ариқча ичидаги кўлмак қўзичоқнинг қонидан қизилга бўялган, ўзи эса ҳирқираб жон таслим қилаётганди. Шу маҳал атрофдаги она қўйлар жўровоз бўлиб чунонам шовқин кўтаришидики, уларнинг маъраши яйлов бўйлаб садолар бериб янграб кетди.

Тўртинчи боб

VIII

Мутлақ сукунат қанча давом қилганини билмайди. Ўлик-тиригини билмай беҳуш ётаркан, бир маҳал олислардан аллақандай овоз эшитилгандай бўлди. Тўғрироғи, бу овоз эмас, балки қачонлардир эшитилган товушнинг олис бир хотираси каби эди. Қимир этишга мажоли йўқ ҳолатида ётаркан, жонсиз танасига қасдма-қасд шуури, ҳислари уйғона бошлаган, улар атрофда тирқ этган товушни илғаб олишга уринарди. Бу уринишлардан мақсад эса унинг чиндан ҳам ҳали тирик эканига бирор далилни қўлга киритиш эди гўё. Мана, яна ўша ҳолат такрорланди – баайни қоронғуликнинг аллақайси бир бурчида бошланган увиллаш аста-аста, аммо беомон ўзи томон бостириб кела бошлади. Ҳали тўла-тўкис уйғониб улгурмаган, балки ҳамон беҳуш қарахтлик исканжасида қолаётган шуури тушуниксиз бу товушнинг манбаини аниқлашга зўр бериб уринар, яқинлашиб келаётган хатардан омонлик чораларини излашга тутинган эди. Бу нарса мутлақо ўтишсиз, осонгина рўй берди. Англашга улгурмади. Ҳамон олисларда бир маромда эшитилаётган, балки зулмат қўйнида ётган унинг томон йўлни топа олмасдан жазавага туша бошлаган увиллаш овози энди шундоққина боши узра эшитиларди. Кўзлари секин-аста очиларкан, ғира-шира шафақлар ичидан бошига оқ рўмол ташлаган, юзига йиллар йўл солган аёлнинг қиёфаси намоён бўла бошлади. Аёл унинг боши устида гоҳ сокин, гоҳида уввос солиб йиғлар, у аёлнинг кўнглини хотиржам қилгиси, бошига тушган мусибатни аритгиси келарди, бунга сайин лойиқ сўз тополмай қийналарди. Ўша гапни ўйлаб топгандай бир нарса дегиси келди, аммо ‘Қаердаман, кимсизлар, менга нима бўлди ўзи?’ дея олди. Бу орада эса ташқи

ҳовлида қўйларнинг тинимсиз маъраши эшитилар, кимдир уларни бўралаб сўкарди. “Ҳе ота-бувангни... жағинг ўчгур, кизталақ!” Унинг ўзига кела бошлаганини кўрган кампир бирдан йиғидан тўхтаб, ташқарида жағи тинмаётган қўйларнинг авра-астарини ағдараётган чолини ҳай-ҳайлаб чақира бошлади. Уларнинг айтишича, уни кечқурун дарвозалари ёнидан топиб, уйга олиб киришган экан. Кампир бечора тиним билмай гапирарди – “Ўғлим бозорда майда-чуйдалар билан савдо қилади. Кеча ҳаммаёқ дув-дув гап бўлиб кетди - одамлар кўзголон кўтарибди, қамокда ётганлар эркинликка чиқиб, ҳаммани ҳокимиятга чақиришяпти, деган. Боламни кун бўйи кутдик, ана келиб қолар-мана келиб қолар деб. Кечки пайтги тасир-тусурда чол иккимизни аҳволимизни кўрсанг эди. Бир пайт чол кўча эшикдан хабар олгани чикса, дарвозамизни тагида бир йигит ётганмиш, шошиб-пишиб уйга обкирдик. Болам қайларда юрибди экан-а, ола-тасирда жувонмарг кетди, жувонмарг!”-кампир енги билан кўзларини артиб, яна унсиз йиғлай бошлади. Унинг фикрлари энди тиник торта бошлаган, бўлиб ўтган воқеани зўр бериб эслашга уринаркан, хаёлида жонланаётган манзараларни алаҳсирашларга тўла бу туннинг маҳсуллари деб ўйларди. Ўзини ўликка солиб ётган ариқчада ўзига қарата отилган ўк хато кетган, аммо ўша сонияларда у ҳаёти поёнига етганига зиғирча шубҳа қилмаганди. Ҳамон қимир этмай ётаркан, ўзида ҳаёт нишонаси қолмагани, қорнидан ичаклари тўкилиб ётган ёнидаги жасаддан фарқи йўқлигига амин эди. Ўшанда қачондан буён тинимсиз ёғаётган жала туфайли ивиб битган осмон қўпорилиб, устига қулаганини сизди. Мана, у энди ўзини зулмат қоплаган торкўчалар бўйлаб, қоқиниб-туртиниб кетаётган алфозида кўрди. Шундан сўнг бу хонадонда қандай пайдо бўлгани унга қоронғу. Кампир бедарак кетган ўғлини айтиб, яна йиғлай бошлаганда тонг ёришиб келаётганди. Ота-онаси ёдига тушиб, улар билан хайр-хўшлашди-да, йўлга тушди. Уйга қайтаркан, кечаги воқеалар бутун даҳшати билан ёпирилиб келди, оқшом ва жала қўйнидаги ўша қирғин чиндан ҳам содир бўлганига, унинг ҳаётида, ўзи яшаётган мана шу шаҳарда, у таниган ва танимаган одамлар билан юз берганига зиғирча шубҳаси қолмаганди. Мен, дерди, ота-онамнинг ёлғиз фарзанди, ҳали бирор кизнинг қўлини ушламаган мен ана шу қиёмат чоғи ҳаётимга нуқта қўйилишига имоним комил эди, аммо қандай соғ-омон чиқдим? Бу саволга ҳозир жавоб шарт эмасди.

IX

Ортга қайтарканман, йўлим барибир ўша кўча орқали эди. Сал ўтгач, шу яқин атрофда одамларнинг ҳайқириғини эшитдим, наҳотки, даҳшатнинг давоми бўлса яна? Муюлишлардан пусиб-яшириниб, овозлар келаётган жойга етдим. Не кўз билан кўрайки, рўпарамда БТР пайдо бўлди, ортидан аллақанча аскарлар қуролларини шай қилиб келишарди. Тамом, деб ўйладим, улар атай мени қўлга тушириш ёки ўлдириш учун келишяпти, чунки мен уларнинг қотилликларига гувоҳман. Лекин, ажабо, шоҳкўчани тўлдирган оломонни кеча киприк қоқмасдан кириб юборган, тиш-тирноғигача қуролланган бу аскарларнинг кўзларида энди бир кўрқув, хайвоний бир кўрқув бор эди. Уларни аксари аёллардан иборат ва қўлларида тош кўтарган оломон таъқибга олган эди.

(Аскарлар қўлларидаги автоматларни ҳар тарафга йўналтирганча ярим доира шаклида чекинишарди. Ўн беш қадамлар ортда келаётган аёл ва эркаклар уларга лаънат ёғдиришарди: “Қотиллар, одамхўрлар!” Аскарлар тошбўрон қилинаётган эди. Шундай бўлса-да улар жимгина ортга чекинишар, аскарларнинг ҳам, таъқибчиларнинг ҳам қиёфаларини тасвирлаш мушкул эди—одамлар қаҳр-ғазабдан жазавога тушган, ҳарбийлар эса кўрқув ва ё гуноҳ ҳиссидан талвасада эди.-матбуотдан)

Аскарлар кўздан ғойиб бўлгач, қирғин жойига яқинлашдим. Кечаси билан жала тўхтамай ёкқан бўлса-да, атрофда алвон-алвон кўлмаклар, мия бўлаклари, ичак-чавоклар. Аммо жасадлар йўқ эди. Шу ерда тўпланганларнинг айтишича, тонг ёришмасидан аввалроқ жасадларни юк машиналарига юклаб, аллақаякка олиб кетишган, кўздан нарида бўлган саноклиларигина қолган ва уларни ўз яқинларини топиш умидида бўлганлар ўраб олганди. Манзарага ортиқ тоқат қилолмадим, тезроқ уйга етиб бориб, онамнинг бағрида тўйиб-тўйиб йиғлагим келарди. Йўлда кетарканман, торкўча маҳаллалардан чиқиб келаётган одамлар оқими тинмасди. Улар бугун ҳам майдон томон ошиқар, кечаги кун айнан такрорланаётган каби эди. Кеча қирғинга қадар одамлар юзларида ҳадик аралаш аллақандай кўтаринкилик намоён эди, аммо бугуннинг кайфияти қайғу ва қаҳр-ғазаб. Кимдир ўғил ёки қизидан жудо бўлган, яна бировнинг эса ота ёки онаси бедарак кетган. Шу тариқа майдон яна халойиқ билан тўлиб-тошди, яна ҳайқириқлар, яна дуоибаядлар. Мен эсам уйга қайтишни пайсалга солар, тобора воқеалар оқимиға, кайфиятлар домиға тушиб борардим. Мана, ўғлини йўқотганларнинг бири фарёд қилипти, яна биров аскарлар ярадор бўлганларни маҳалла ичларида изма-из қувиб, отиб ўлдирганлари ҳақида гапирди. Яқинларини йўқотган, ҳарбийлар ташлаб кетган жасадлар орасидан кимдир ўғли, кимдир турмуш ўртоғини излаётганлар кулфатига гувоҳ бўларканман, ўзим базўр омон чиққан фожиа кўламини энди аниқроқ тасаввур қила бошлагандим.

(Ҳарбийлар қимирлаган нарса борки, отишди. Маҳалламизда отишма бўлаётган пайт қўшним шундоқ ёнбошдаги уйда яшайдиган бобосидан хабар олгани чиққанди. Бобоси алоҳида яшарди. Ундан хабар олиб қайтаётганди отиб ташлашди. Бечора ётган жойида ёрдам сўраб бақирарди. Бобоси ёрдамга келаётганда дарвозасига қараб отишди—ташқари чиқмасликни буюришди. Тилиб қорни ва оёғидан яраланганди, кимдир ёрдам қилганда тирик қоларди. Эртасига унинг жасадини қабристонда қабул қилишмади, ўликхонада экспертизадан ўтказиш керак экан. У ерга олиб бордик, қаердан олиб келдик ва нима бўлди, деб сўрашди. Уйи олдида солдатлар отиб кетишди, деб айтдим. Бир сержант мени чақириб, бир хонага олиб кирди. У ерда беш-олти барзанги ўлар ҳолатга солиб дўппослашди. Тилинени тийиб юр, террористлар отиб кетишди, деб айт дейишди. “Кечирасизлар” дедим. Бошқа нима дердим? Шу кечирим сўраганим учун уларнинг кўлидан қутулиб чиқдим.-шоҳид ҳикоясидан)

X

Ҳокимият биносини ўраган панжаралар остига йигирма чоғли жасад териб қўйилганди. Эгаси чиқмаган бу ўликлар жанозаси шу ернинг ўзида ўқилиб, шундоққина ҳокимият бокчасига дафн қилинди. Оломон ғазаби ортиб борарди, устига устак, қирғин гувоҳларининг ҳикоялари тенгсиз жаҳолатдан қақшаган одамларда жувонмарг бўлганлар учун қасд олиш истагини жўшдиарди. Кимдир халойиқни миршаблар идораси томон боришга, ўлдирилганлар учун қасос олишга чорлади. Айни пайтда биргина шу чорлов кифоя эди. Одамлар оёққа қалқиб, ўша томон йўл солди. Беихтиёр кечаги оломон билан бугунгисини қиёслаймак. Бугун одамлар юзида ҳадик ёхуд кеча ўзим гувоҳ бўлган, ўзим бошимдан ўтказган таҳлика ва ё кўрқувдан асар йўқ, улар ўғил ёки қизи, отаси ёки онаси, набира-ю невараси хунини талаб қилишга қасд этишганди.

Бу гал ҳам қасос истаган одамлар таъбиридаги қотиллар идораси томон яна айқириб оқаетган бир улкан издиҳом ичра борарканман, қисқа вақт ичида кўрганим кулфат ва фожиалар таассуротида ҳориган шууримдан аллақандай хотираларнинг узук-юлуқ парчалари ўтарди. Мана, ҳали чурвақа болакай эканимда отам мени шундай май кунларининг бирида сайилга олиб чиқар, мана, унинг кўлидан тутганча чап кўлимда алвон байроқча билан жўровозда ҳайқираётган издиҳом ичра худди мана шу катта кўчадан юриб ўтардим. Кўча ёқалари ҳам баайни менинг кўлимдаги каби алвон байроқлар билан

безанган, каёкқадир оқиб ўтаётган издиҳомни олқишлаганча йўлкаларда саф тортганларнинг ҳам қўлларида алвон матолар ҳилпирайди. Юриш адоғига етиб, барча майдонда саф-саф бўлиб йиғиларкан, аллақандай салобатли амакилар минбарга кўтарилиб, галма гал оташин нутқлар ирод қилишади, атрофда эса нутқларга жавобан яна ҳайқириқлар, ҳайқириқлар. Шу сонияда, важоҳат билан тўлиб-тошиб бораётган айни пайтдаги оломон ичра бораётган менинг хаёлимга шу сонияда, дафъатан бостириб келган бу хотира бўлақларини бугун билан киёслашга ҳожат йўқ, зотан юзлари ғазабдан бўғриққан бу одамларнинг қўлларида энди ўша алвон матолар йўқ, биз бораётган кўча ҳам байрам манзарасидан йироқ—атрофда куйиб-битган автолар қолдиклари, йўл бўйидаги симёғоч ва уйлар ҳам ўқлар зарбидан илма-тешик.

(Мен 90-йил худди шу май кунлари худди шу кўчалар бўйлаб уюштирилган тўполонни яхши эслайман. Ўшанда кўча бўйларидаги иморатлар ойналари чил-чил синдирилган, машина ва дўконлар ёқилганди. Одамлар катта фожиани кутиб, қўрқув ичида қолишганди. Мана, орадан роса ўн беш йил ўтиб, воқеалар яна қайтарилди, лекин бу сафар ҳукумат ҳаддидан жуда ошди—қилгуликни қилиб, у аёл кишими, у ҳали она сути оғзидан кетмаган гўдакми—ҳаммани жиноятчи деб эълон қияпти. Ахир жигаринени мана шу ҳукумат одамлари киприк қоқмасдан ўлдириб юборса-ю ва сен бунинг учун ғазабингни билдирсанг, дарҳол жиноятчи бўлдингми, отангни ўлдирганга онангни ҳам қўшиб беришинг керакми?-шоҳид ҳикоясидан.)

XI

Афт-ангори ҳар қандай шаҳар кўчаларида эгалик қилувчи ўғри болаларни эсга солувчи бир йигит оломон атрофида зир югурганча, хириллоқ овозда суръатни бўшаштирмасликка, зудлик билан қасос олишга ундайди. Одамларнинг эркаклигига мурожаат қилиб, сўкиниб-сўкиниб даъват қилаётган бу йигитнинг важоҳати шубҳали эди. Рўпарада, осма кўприк қаршисида кўндаланг қўйилган БТРларга кўзим тушди. Шу дам кечаги даҳшатлар хаёли ёпирилиб келди, бутун вужудимни дафъатан яна таҳлика чулғаб олди. Жойимда тўхтадим. Шубҳасиз яна қирғин бўлади, бу гал омон чиқмайман. Оломон ичидан кимдир ғазабни жиловлашга ундади, ақлимизни йиғиб олайлик, бугун ҳам аямасдан отишади, ҳар хил гапларга учманглар. Шу пайт нарироқда ғала-ғовур кўтарилди, қўлларида микрофон кўтарган бир мухбир пайдо бўлган, одамлар доира бўлиб уни ўраб олганча, бири кўйиб, бошқаси гапирарди. Газандалар ёш болаларни, хотин-халажни киприк қоқмасдан қиргани, тун қоронғусида эса жасадларни машиналарга юклаб аллақайққа олиб кетишгани, шу билан жиноятларини яширишга уринаётганларини айтишарди. Шунча одам бегуноҳ ўлиб кетаверадими, дерди биров, қандай қилиб шунча одамни ўлимни яшириша олади, ахир мана мен ҳали тирикман, анави отахон бор, анави онахон, манави йигитлар тирик, ҳаммамиз ўғил-қизимиздан, ота-онамиздан айрилдик. Бу дунё қаёққа қараяпти, бу ҳароми одамхўрларга емиш бўлиб ётибмиз-ку, ким ёрдам беради бизга?! Бас, етар, дедим ўзимга-ўзим, ота-онамни кўрмасам бўлмайди, кўзлари тўрт бўлиб ўтиришгандир, йўлларимни пойлаб, не кўйга тушишган бўлса? Йўлнинг ярмида қояларга урилиб чекинаётган тўлқин каби энди ортга, майдон томон шошилмай оқаётган оломондан ўзимни четга олдим, айланма йўллар билан шаҳарнинг у четидаги маҳалламиз томон юрдим.

Дарвозадан хатлаб, ҳовли этагида қўлида ойимсупурги билан куймаланиб юрган онамни, ишқомлар остига ўрнатилган сўрида ўйга толиб ўтирган отамни кўрдим. Анчадан бери мойланмаган дарвозанинг ғийқиллашидан иккови ҳам бу томонга қаради. Бир муддат каловланиб қолишди. Онам қўлидаги супургини четга улоқтириб, мен томон югургилаб кела бошлади: ‘Вой болам, болагинам-а, қаерларда юрибсан?! Отангни бормаган жойи қолмади-ку!’-Отам, онам кўзлари ёшга тўлиб бири кўйиб, бири мени бағрига босар, уларни йиғлатиб қўйганимдан бирдан хўрлигим келди ва уларга қўшилиб, ўкраб йиғлаб юбордим. Улар мени ичкари уйга олиб кириб кетишди. Онамнинг айтишича, бугун тонг

сахардан буён отам бечора мени ўликлар орасидан қидирган, топа олмагач, касалхона ва ўликхоналарни кезиб чиққан эди. Онам дастурхон ёзиб, иссиқ чой билан ул-бул олиб келди, шундагина кечадан буён туз тотмаганимни билдим, бир тишлам нонни чайнаб ютганимни биламан, ташқарига отилдим. Онам ортимдан хай-хайлаб югураркан, ишком устунини тутганча икки букилиб куса бошладим. Ичимда ҳеч вақо йўқ эди, бир қанча вақт қуруқ ўкчиб ўтирдим, тамоман ҳолдан тойдим. Ичкарига кириб ўринга ёнбошладим, атрофимда куймаланаётган онам устимга кўрпа ёпди, дамингни ол, болам, иситманг бор, нима бўлди, бирор жойинг лат емаганми? Хона, ганч билан нақшланган шифт атрофимда чирпирак бўлиб айлана бошлади.

* * *

Палатада ҳеч ким йўқ эди. Ташқарида боягина сушлашган ёмғир яна кучга кирган, энди сон-саноксиз хивчинлар пайдар-пай деразага келиб уриларкан, бир хил маромда ўтаётган касалхона кунлари баъдига урганини ҳис қилди. Бу орада эса қўланса балчиқ ҳиди анқиётган ўрмонда инсон ови давом қилар, *ой туққан кечада бошланган муқаддас уруш ҳали якунига етган эмасди. Агар у сўқмоқдан четлашиб, чакалакзорда паноҳ топганида эди, балки жангчилар изига тушишмаган бўларди. Ғанимлар қанча асирни қўлга олганлари ҳақида ўйлади. Аммо бу урушда миқдор эмас, балки маъбудлар белгилаган муддатга қадар зафар қучиш муҳим эди. Коҳинлар ортга қайтиш ҳақида белги бергунларига қадар таъқиб давом қилиши тайин. Ҳар нарсанинг тартиби ва ниҳояси бор, аммо у эса урушни ганим тупроғида кутиб олгани қайғули эди. Атрофда дафъатан ҳайқириқлар янграгач, қўлларидан тош ханжарни маҳкам қисганча ўрнидан сакраб турди. Олис уфқларда пайдо бўлган олов ёлқинлари янглиғ шу атрофдаги дарахтлар шохлари аро машъалалар кўринди. Аниқ-тиниқ анқий бошлаган уруш ҳидига тоқат қилиб бўлмас, дастлабки ганим унга ташлангани ҳамон қарийб мамнунлик билан унинг кўксига ханжарини ботирди. Атрофдан уни машъалалар таъқибга олган, зафар тантанасига эш овозлар янграйди. У икки ёки уч бора ганимларига жавобан ҳайқиришга улгурди, зум ўтмай эса бўйнига улоқтирилган арқон уни ерга қулатди.*

Бешинчи боб

ХП

Шифохонадан рухсат бўлиб, ўзи вақтинчалик жойлаштирилган қочқинлар марказига келгач, қўлига бир парча қоғоз тутқазишди. Хат хорижийлар билан ишлаш идорасидан бўлиб, уни тил ўрганиш масалалари бўйича навбатдаги суҳбатга таклиф қилишаётганди. Маълум қилинишича, суҳбат келгуси ҳафта, фалон кун, фалон соатга белгиланган ва хат “муҳтарам зот, агар айтилган манзилга айтилган вақтда етиб келмасангиз, бундан келиб чиқадиган оқибатлар учун фақат ўзингиз масъул бўласиз” қабалидаги пўписанамо оҳангда якунланганди. Нақадар назокатли пўписа. Умуман, ушбу юртга келиб, бу ғаройиб ажнабий лаҳжани тезроқ эгаллаш лозимлигини сезгач, енг шимариб мутолаага киришиб кетди, аллақанча луғатларни “хатм” қилиб туширди. Бунисига ҳам қаноат қилмасдан, кўча-кўйда дуч келган “аборигенлар”ни, аксар ҳолларда малласоч хонимларни ҳоли-жонига қўймайдиган бўлди—мана бу манзилга қандай бориш мумкин, соатингиз неччи бўлди, камина билан бир пиёла қаҳва ичишга тобингиз қалай??? Албатта, унинг абгор шеvasи кўпинча кутилган натижани беравермас, пайдар-пай берилган саволларига жавоб тариқасида аксар ҳолларда бурун жийиришларни қабул қилиб оларди. Аммо ҳарқалай

қўлтиқдан тушгани кўнжида қолди—тез орада анча-мунча қисматдошларни забонбилгичликда ортда қолдирди, муҳими, баъзи расмий ёзишмаларни ҳам ҳаминқадар тушунадиган бўлди, камига эса ўзи яшаб турган хонанинг аввалги соҳибидан қолган луғат хизматига мунтазир. Кўп ўтмай ажнабийлар учун мўлжалланган натурализация жараёнлари, яъни агар сўзма сўз тушуниш керак бўлса, табиийлаштириш жараёнлари бошланиб кетди. Касалхонада эканида тушунтирганларидек, у кўринмас ҳамроҳига айланиб бораётган дарднинг кўзларини шамғалат қилиш учун ўз олдига муайян мақсад қўйиши, айтишлик, маҳаллийлар забонини ўрганишни дастуриламал қилиши лозим эди. Бу каби бандлик аввалги хотиралардан чалғитиб, бу ерларда тўлақонли яшай бошлашига, демакки, натураллашувига кўмак беради. Ҳай майли, деди, ўзбекчани билган одамга бу тилни ҳам паққос тушириш нима бўлибди! Енг шимариб, ўқишга муккасидан кетди. Шу тариқа ўзи каби ранг-баранг муҳожирлар даврасида ўтириб, сабоқларни ўзлаштира бошлади.

Аммо вақт ўтган сайин дастлабки иштиёқи дарз кетиб бораётганини сезар, шундай пайтларда бу тилни ўзлаштириш инсон боласининг чекига тушмаган, дея ҳайқиргиси келарди. Домуллонинг чуғурлаб дарс уқдиришларини кўриб, буларнинг товуш ҳосил қилиш тизимида бошқалар учун номаълум яна аллақандай қўшимча аъзолар бўлса керак, деган аввалги шубҳалари ортса орткики, ҳеч аримади. Ўзининг бу забон қаршисида тобора нотавонлашиб бораётганидан жазавога тушар, аммо зум ўтмай маҳаллийлар билан боғлиқ латифалар ёдига тушиб, ўзини андармон қиларди. Шулардан бирига кўра, тун билан зиёфатда беармон маишат қилган немис денгизчиси эрталаб тургач, зўр бериб инглиз тилида сўзлашга ҳаракат қилмоқда. Унинг бу ҳаракатлари маҳсулини мана шу ажабтовур ҳолланд тили, деб аташ мумкин бўлади. Яна қолаверса, нотабиийликдан табиийликка ўтиш жараёни мароқлироқ кечиши учун бу забоннинг захираларини ковлай бошлади. Нафсиламбрини айтганда, муҳожирликнинг бири биридан айтарли фарқ қилмас, янги воқеаларга ҳасис кунлари ўтаркан, айрим вақтларда турли машғулотларни ўйлаб топиш, шу орқали кунларга бир қадар ранг киритишга мубтало бўлди. Шунчаки эрмак учун ҳам бу мамлакатни, унинг манзилларини ўзбекчалаштиришга тушиб кетди. Аслида бу ҳаракатларини маҳаллий топонимияга хуружлар сифатида ҳам талқин қилиш мумкин. Бунинг учун қиролликнинг (аслида “қироличалик”, чунки бир неча авлоддан буён бу ерда фақат аёллар сулолага етакчилик қилмоқда) батафсил харитасини хонтахта устига ёздида, ундаги шаҳарлару қишлоқларнинг ўзбекча эгизакларини топишга ҳаракат қилади.

Аввало ўз шаҳарчасидан бошлади—Vijfhuizen. Бу бизнингча “Бешқўрғон” ёки “Бешкапа” бўлади. Ёки бошқа “Driehuis” (“Учқўрғон”) ва “Zevenhuizen” (“Еттикапа”) лару “Hoofddorp” (“Каттақўрғон”) Ҳолландистонда ҳар қадамда учрайди—уларни истаганча ўзбекчалаштириб, мароқланаверасиз. Тўғридан-тўғри таржимаси унчалар мос тушмайдиган мураккаброқларини эса бир экспромт тарзида талаффузга мослаштириб юбориш ҳам чўт эмас эди. Айтишлик, харитада шимолроқда жойлашган ва энг сара пишлоқлар кўргазмаси билан ном қозонган Alkmaar шаҳрини “Акмал” деб атади. Ijmuiden шаҳарчаси эса “Иймолдин” ёки “Иймониддин” деган номга лойиқ топилди.

ХIII

(Шаҳар мотамга чўмган, қирғин чоғи жувонмарг кетганларнинг дафн маросимлари бўлиб ўтмоқда эди. Дом-дараксиз кетган ўғил-қизларини, ота-оналарини излайвериб телба бўлган одамлар яқинларининг тирик эканидан умидларини узган, энди ўлигини бўлса ҳам топиб, жойига қўйиш дарди азобга айланганди. Бир дарак чиқиб қолармикан, деган кўйи касалхоналар, ўликхоналар қаршисида сукут сақлаб ўтирганлар ичкарига кириб-чиқаётганларга умид билан тикилишган. Бу орада эса мияларни ювиш ишлари, қирғин

тўғрисидаги зиғирча фикрларни ҳам батамом йўқотиш амаллари жадал бошлаб юборилган. Ўша куни майдонда бўлган ва сўнгроқ ўққа учганларнинг хонадонларига жазо гуруҳлари ташланади. Ялписига кўрқитиш, мутлақ жазолаш кейинги кунларнинг бош манзарасига айланди.

(Ҳамма яраланганларни вақтинчалик қамоқхонага айлантирилган вилоят касалхонасига олиб кетишди. Ойналарга темир панжаралар ўрнатилиб, кириш жойига блокпост қўйилди. Касалхонага ҳеч ким қўйилмайди ва ҳеч ким чиқарилмайди. Яраланганларнинг ҳаммаси тергов қилина бошлади. Яқинларини қамоқда чиритиш билан пўписа қилишлар, қийноқлар, қийноқлар. Кўп ўтмай бу ердаги ярадорлар изсиз ғойиб бўла бошлади. Улар қаёққа олиб кетилгани яқинларидан сир тутилади. Улар бошқа минтақалардаги тергов қамоқхоналарига олиб кетилгани аниқ эди, аммо қайси вилоятга, улар тирикми ёки йўқ, балки жароҳатлар ва қийноқлардан аллақачон оламдан ўтганми—бу ҳақда яқинларига лом-мим дейилмайди.-матбуотдан)

Хукумат одамлар овозини ўчириш, уларнинг бўғзига ташланган кўрқинч сиртмоғини яна зичроқ тортиш учун ҳар қандай чораларни маъқул кўра бошлади. Шаҳар зўравонлар қўлига ғорат учун топширилган, кўчаларда изғиб юрган ҳарбийлар баайни маҳоратларини ошириш учун сабабсиз отишмалар уюштирар, бунинг оқибатида жувонмарг қилинганлар эса шу заҳоти террорчиларнинг навбатдаги қурбонлари рўйхатига тиркаларди.

(Ашур Ҳайдаров ва Ҳакимзода кўчалари кесилган жойда аскарлар “Дамас” машинасини ўққа тутушган, ўликлар ҳамон машина ичида эди. Атрофдаги уйлар аҳолиси ташқарига бош суқишга кўрқиди. Яна бир жойда эса “тез ёрдам” машинаси илма-тешик қилиб ташланган эди. Кейинроқ республика матбуотида шифокорларни “террорчилар” отиб ташлади, қабилдаги хабарлар босилди. Айтилган террорчилар жуда ғалати эди: машина ҳарбийлар шай турган постга яқин қолганда, шундоққина рўпарадан, аскарлар тарафдан ўққа тутилган, сеҳрғар террорчилар. Андижонда “ҳар эҳтимолга қарши” ўққа тутилганлар воқеаси етарлича эди.-матбуотдан)

Бутун мамлакат неча замонлардан бери мутлақ кўрқув исканжасига ташланиб, унинг аҳли эса сўнгги чидамларини ишга солиб яшаб келаётган бир дамда бу шаҳар фуқаролари суякка беомон қадалган пичоқни зулм эгаларига қарши ҳезлагач, яқин тарихдан буён кўрилмаган қирғин содир этилган эди. Ҳамон миқдори номаълум қолаётган ёшу қарининг ёстиғини қуритгач, зулм ускунаси энди жувонмарг этилганларнинг яқинларига қаратилган, уларни бундан сўнг ҳам чурқ этмасдан яшайверишга зўрлаш устивор вазифага айланганди.

(Одамлар ҳатто ўз оила аъзолари даврасида ҳам Андижон ҳақида гапиришдан кўрқишади. Қўни-қўшнилар билан-ку ундан нари. Ҳар бир маҳаллада албатта жосуслар бор. Агар бирор яқининг Андижонда ҳалок бўлган экан, ҳар дақиқа уйингга бостириб кириб, сени аллақайёққа олиб кетишлари турган гап. Бир сафар Андижондаги дугоналаримникига меҳмонга боришга тўғри келди. Улар мени шаҳардаги бир маҳаллага олиб боришди. Айтишларича, бу маҳаллада бирор тирик одам қолмабди. Уларнинг ҳаммаси намойиш пайти ҳалок бўлишган. Қирғинда қанча одам ҳалок бўлгани ҳалигача қоронғу. Одамлар шу қадар кўрқитилганки, улар энди дом-дараксиз кетган жигарларини излашни ҳам бас қилиб қўйишган.-матбуотдан)

* * *

Шундан сўнг бу ерларда ортиқ қолишнинг чораси қолмаганди. Ишончли одамларнинг айтишича, хуфиялар ўша куни майдонда омон қолганларнинг барчасини рўйхат қилиб улгурган, ҳали замон мени ҳам йўқлаб келишлари тайин эди. Кекса ота-онамнинг дуосини олиб, олис йўлга отландим. Дўстлар кўмагида қўшни мамлакатда кўним топдим. Аслида, бу дарбадарлик муваққат эканлиги, ҳадемай юртда осойишталик қарор топиб, катта ўзгаришлар бўлишига бир ишонч бор эди. Аммо, кунлар ўтган сайин бу ишонч емирилиб борар, оқибат шу бўлдики, бу юртда ҳам қолиш хатарга айланди. Йўллару йилларнинг занжири туташиб, ниҳоят мана, кўриб турганингиздек, соҳилларини Шимолий денгиз сувлари муттасил ювиб турган мана шу юртда пайдо бўлдим.)

Олтинчи боб

XIV

Бу юртга келганидан сўнг бир қанча вақтдан буён қочқинлар марказида қолар экан, табиий тарзда бу ерда кичикроқ бир давра ташкил топган эди. Сабоқлардан бўшагач, ҳар кеча алламаҳалга қадар суҳбатлар, мубоҳасалар давом қилар, мавзулар ҳам турлича эди. Маҳаллийлар забонининг ўзига хос беўхшовлиги-ю малласоч хонимларнинг фазилатларидан юритилган баҳслар алаалоқибат уларни бу юртларга қадар олиб келган воқеаларга келиб тақаларди.

“Агар инсоният шу вақтга қадар демократиядан бошқа маъқулроқ яшаш тарзини ўйлаб топа олмаганидан келиб чиқсак, маълум воқеалар Ўзбекистонда кўрина бошлаган бунинг яққол нишонларини буткул янчиб ташлади.”

“Ҳали Ўзбекистонда шу пайтгача ҳукм сурган тузумни демократияга тайёргарлик кўраётган эди, демокчимисиз? Асло бундай эмас, қанча биродарларимиз зиндонларда чиритилди, яна қанчаси маҳкамаларда навбатини кутиб ётган эди. Шундан кейин ҳам жим тураверишлик керак эдими?”

(“Ҳақиқат уқубат ва ҳамда зулм босқичларини кечирмоқлиги лозимдир. Бу жараёнда барча мушкулотларни сабр ила енгиб ўтган инсон ўзига отилган тухмат тошларининг сохта эканини исбот этиб, очиқ ҳақиқатни юзага чиқаражадир. Ва бу ҳақиқат оддий халқ кўзига яққол ташланмоғи лозимдир. Зугумлар ортиши баробарида тўқнашувга келингач, инсон ҳужумли кураш ҳолатига ўтади.”)

“Айтингчи, ўзида давлатчилик бор, деб ҳисоблаган қайси бир ҳукумат қурол кўтариб чиққанларга ён бериши керак? Мен кўзғолонни бунчалар шафқатсизлик билан бостириш керак эди, демокчимасман, аммо қатъий ўйланган режа билан қилинган исён албатта бостирилиши керак эди.”

“Биродарларимизда мутлақо қурол бўлмаган. Борлари ҳам оломонга ўқ отган ҳарбийлардан тортиб олинган.”

(“Ҳужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиш) изни берилди. Албатта Оллоҳ уларни ғолиб қилишга Қодирдир. (Ал-Ҳаж, 39)

Мана шу бунинг яққол исботидир. Илло бу ҳолатда ғаним ўзининг қаттол табиатини ортиқ яшира олмайди. У шундай ишларга қўл урадики, ҳатто энг шафқатли ва кечиримли одамлар ҳам унга (ғанимга) зарба бериш даркор, деган хулосага келадилар, илло уни (ғанимни) оқлайдиган ҳеч вақо қолмади, у айбдордир, демак жазога мустаҳиқ. Мана шу ҳолатда табиий тарзда ҳужумли кураш ҳолати вужудга келади”)

“Агар бу гапингиздан келиб чиқадиган бўлсак, қамоқхона-ю казармаларга ҳам палахмонлар билан ҳужум қилинган бўлиб чиқади. Бунақанги эртақларни кўп эшитдик.”

“Ўша кунни қамоқдан озод қилинган биродарларимиздан сўранг, улар бу нарсани мутлақо кутишмаган. Чиқинглар, сизлар озодсизлар дейишган. Халоскорларини танишмаган. Бу нарсаларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан содир бўлган.”

(“Буеун бизнинг энг аламли қайғумиз шундаки, гўзал орзулари, софдил режа ва амаллари бўлган бизнинг дўстларимиз қамоқхоналарда азоб тортишмоқда. Ғаним йигитларимизни яна ҳибсга ташлашда давом қилмоқда. Модомики шундай ҳолатлар содир бўлаётган экан, савдони фаоллаштиришимиз ва биродарларимизни озод этишга уринишимиз биз учун вожибдир.”)

“Ўзбекистон шароитида бундай кўламли воқеа ўз ҳолича содир бўлмайди, тақсир. Менда катта шубҳа борки, сизлар махсус хизматлар қўлида бир қўғирчоқ бўлдингиз. Аслида улар барча ҳаракатларингизни бошқариб турган эди.”

“Нималар деяпсиз, бизни ҳеч ким бошқармаган, биз ўзимиз...”

“Буунга қадар курашни тўхтатиб, яна озроқ сабр қилишга чорлаб келгандик. Энди эса, ҳамонки уларга (ғанимларга) очиқ ҳақиқат кўрсатилиб исбот қилинган экан, ва улар-да бу ҳақиқатни инкор этиб, зугумларни кучайтирган экан, Оллоҳнинг жазоси у худосизлар учун вожиб бўлди. Ва бу жазо мусулмонлар қўли ила амалга оширилиши мумкиндир. Демак, бу ҳолатда ҳар бир мусулмонга курашмоқ жоиз.”

“Наҳот ораларингда ҳеч ким йўқ эдими, вазиятга ҳушёр баҳо бера оладиган? Ахир мустабиднинг ўзи бунгача неча марта, устига устак, очиқчасига огоҳлантирган эди. Ўзбекистонда бундай хунарлар ўтмайди, деганди. Ҳар қандай исён шафқатсиз бостирилиши кундай равшан эди.”

“Бизда ортга қайтишликка йўл қолмаганди. Судлов адолатсиз бўлаётган, мол-мулкларимиз тортиб олинаётганди. Раҳбаримиз ҳам неча йиллардан бери қамоқхонада.”

“Ушбу Қўлланма Умуммасъулнинг Оллоҳни ва Унинг Расулини ҳамда мана шу йўлдан олиб бораётганини суйғувчи барча биродарларга мурожаатидир. Бу баайни Ийсонинг ўз ҳаворийларига айтгани кабидир: “Бас, бани Исроилдан бир тоифа (одамлар Ийсога) иймон келтирди ва бир тоифа кофир бўлди.” Магарки, ҳатто бани Исроилдан бир тоифа кофир бўлса-да, Жаноби Ҳақ шундай қилсинки, бизлардан барчамиз иймон келтирайлик, билъакс иймонсизлардан бўлмайлик.

“Бас, Биз иймон келтирган зотларни душманларидан кучли қилиб, улар (кофирлар устига) ғолиб бўлиб қолдилар”. (Саф сураси, 14)”

“Мен тушунман, пичоқ суягига қадалган оддий одамлар учун бир учқун кифоя эди, шунинг учун улар майдонга оқиб келишган. Аммо уларнинг панасида тор мақсадга эришишга интилишни нима деб баҳолаш мумкин? Қамоқдан озод қилиниши талаб қилинган раҳбар бор-йўғи битта дона инсон-ку. Оқибатда қанча одамларнинг ёстиғи қуриди. Бундан ташқари, ҳали диний гуруҳ бўлиб бирлашган эмасмиз ҳам дерсиз? ”

“Ҳаммаси Оллоҳдан. Худо шоҳид, биз халқимизга озодлик истаб, мустабид тузумни ағдариш учун бош кўтариб чикдик. Аммо бизлар бор-йўғи тадбиркорлар эдик. Шу йўлдагина бирлашганмиз.”

“Бу оятларга мувофиқ яшаган, аниқроғи, бу воқеликка тўғри амал қилганларга тақдирнинг ўзи ғалаба ҳозирлашидир. Оллоҳ насиб этса, бу бизнинг ғалаба бўлажак. Ортга йўл йўқ. Оллоҳ бизнинг Ҳожамиз ва Паноҳимиздир. Кимки Оллоҳни дўст тутса, ғалаба униқидир.”

“Яна ўтмишдан эртақлар. Албатта, мустабид ағдалиши керак, аммо асло ўз тор манфаатлари йўлида юзлаб одамларни укувсизларча қурбон қилиш эвазига эмас.”

“Қадрдон биродарларим, менинг ички сезгиларим шундай жар солмоқда: “Бўлғуси зафарларимиз барчамизга муборак бўлсин!”

Ушбу Қўлланма мунофиқликда гумон қилинмаган барча биродарларимизга тарқатилсин. Барчанеизга Оллоҳнинг нури ёғилсин, омин!”

XV

Аммо вақтики келиб, мана шу барча мубоҳасалар, эътирозлар, эътирозларнинг инкор этилишлари ва аллақандай улкан сохтакорликнинг олис бир сояси каби бўй кўрсатиб қолаётган алдовлар баъдимга уради. Шунда бу каби ўтмишнинг йиринглаб бораётган жароҳатларини ўзида жо қилмаган, билъакс *жо қилмоқнинг ўзини* ҳам мутлақо назарда тутмаган шаҳар кўчаларини соғинаман. Бунда турфа хил қусурлар, замонлар ибтидосидан буён дуоибаядларга ўлжа бўлган қарийб барча залолатлар макон топгандир. Ким нимани истаса олаверсин. Қусурларга макон бўлган бу шаҳар бўйлаб юрарканман, аммо унинг руҳи ва моҳияти, баайни тош ётқизилган йўлакларда садо бераётган, нафақат бу, балки шаҳарнинг ҳар бир иморати, ҳар бир қатларига сизиб кираётган ҳаво зарраларида муқим бўлган мутлақ ҳурлик руҳи сархуш қилади. Барча ирк, барча забонлар бунда жамул жам. *“Hoe is het met jou?”, “I’d like to see you again, sweet”, “¿Cómo estás, mi dulce?”, “Comment allez-vous?”, “Бола-чақалар қалай, ошина?”*. Ҳар гал бу ажнабий шаҳарнинг бундан-да

ажнабий, бегона кўчаларида кезарканман, осмон кўксига найза қадаган бинолар пештоқларига битилган ёзувлар ва кўча номларини ҳижжалаб ўқийман. Мана, *Damrak, Kalverstraat, Waterlooplein*. Яна бошқаларининг номлари—*Weteringsplantsoen, Spuistraat* ва *Oudezijds Voorburgwal*. Овоз пайлари шамоллаган каби алланечук товушларга ружу қўйган маҳаллийлар забонида битилган бу номлар худди шу, айти пайтдаги менинг машғулоти каби юмуш билан – вақтни ўлдириш, кечадан бошланиб, бугунда давом қилаётган ва нечанчи маротаба бугундан эрта томон сезилмасдан сизиб бораётган вақтни ўлдириш каби бесамар машғулоти билан андармон бўлганнинг хаёлида ўтмиш хотираларини, балки тарихий муқоясаларни ҳам мутлақо жонлантормайди. Аммо бу бегона номланишларнинг ўзидан таралаётган гоҳ кескир, гоҳо вазмин ва баъзан жарангдор оҳангларни сезиш мароқли эди. Тош кўчалар бўйлаб юрарканман, эркинлик руҳи билан тўйинган бу шаҳар менга ёқа бошлаганини сезаман. Шунда мен бир замонлар ўзим қўйнида бўлган, барча ҳилватлари ҳамон хотирамда муқим бошқа бир шаҳар ҳақида хаёл қиламан. Унда ҳали англаб етилмаган аллақандай хатарлар ва мавҳум мудҳишликлар макон топган эса-да, ҳарқалай у менинг шахрим эди. Энди, айти пайтда бу ердаги мана шу шаҳарда юриб, бунинг ҳурлигидан масрур эсам-да, аллақайси олисликларда адашиб ётган, аллақандай исмсиз хатарларга лиммо-лим ўша - бошқа шаҳарни соғина бошлаганим ғалати эди.

* * *

Юр, - дегандинг ўшанда, - юр, шаҳар айланамиз. (Шу кунларда ҳукумат қонун кетидан қонун чиқариб, чекувчиларга қарши курашни авж олдираётган, кимданки шубҳа қилинса, дарҳол ушланиб қаёққадир олис юртларга (айтишларича, Африка саҳроларига) бадарга қилинаётган эди (айтишларича, Африка саҳролари жазирамасида булар тутун бурқситишига юрак бетлаб журъат қилишолмайди). У ёқлар жуда иссиқ юрт экан (айтишларича, Африканинг жазирама иссиқлиги папирос тутуни билан чиқиши олмайди, чекаётган одам бундай жазирамада минг бир азобга гирифтор бўлади экан).

- Йўқ, - дедим, - бора олмайман.

Ул-бул ташишларни баҳона қилдим.

Сен эса туриб олдинг:

- Юр дейман, юргин ахир. Ҳозир баҳор чоғи — чор-атроф кўм-кўк...

Ноилож рози бўлдим.

Ва биз йўлга тушидик. Биз кўпчилик эдик — мен, сен, у (балки улар).

Шаҳар чиндан ҳам ҳувиллаб ётарди. Унинг барча туйнукларини чўнтақларимизга, қўйинларимизга тўлдириб олдик. Қайтгунимизча вақт алламаҳал бўлди.

Мана, биз кўчадан юриб келяпмиз. Чор-атроф зим-зиё зимистон. Қўрққанингдан рангинг доқа. Пинжсимга суқиласан. Улар эса (уларнинг исмлари шу — менинг қўшим ва сенинг дугонанг), уларнинг эса парвойи фалак. Шаҳарнинг чиндан ҳам ажойиблиги, унинг барча лаззатларини чўнтақларига, қўйинларига тўлдириб олганликлари ҳақда тинмай бидирлаб келишаётир. Сен эса пинжсимга суқиласан. Мана, энг хатарли жойдан ўтяпмиз. Икки баланд бинонинг ўртаси қор-қоронғу йўлак. Ўша ёқдан хавф келади.

Бу йўлак бир макон эди.

Бу макон бир юҳо эди.

Бу ерда бутун шаҳар аҳли жам бўлганди. Айни шу ҳақда ўйласам, нега, - дердим, - нега шаҳар буришиб-тиришиб қолмайди, бир томонга огиб кетмайди?

Бу ер бир така эди. Такая эдики, саноқсиз милтилаган чўғлари, ўлат оралаган шаҳар фуқароларининг шивир-шивирлари бўлган, ҳозир, мана шу айни чоғда биз қаршисидан ўтиб бораётган — сен менинг пинжиги суқилган, у эса (балки улар эса) парвойи фалак алфозимизда биз қаршисидан ўтиб бораётган — бир оздан сўнг эса биз ортимизга қайриладиган ва менинг қўшим ва сенинг дугонангининг ўша йўлак томон кетиб бораётганини, йўлакдан эса беш-олти чоғли тутун бурқситаётган қўриқчилар уларни имлаётганини — «келаверинглар, келаверинглар, ва ниҳоят» дея имлаётганини кўргач, жонҳолатда бу жойдан нари қочаётганимиз ва уйимизга етгач, ҳар биримиз — ҳар ким ўз ҳолича бошқа биримиз ҳақида ва ўз-ўзимиз ҳақида «бир кун барибир биз ҳам — мен ҳам, сен ҳам ўз йўлагимизга кетамиз» дея хаёл қилаётганимиз бир така эди.

XVI

Damrak бўйлаб бирмунча йўл босиб, ундан *Warmoesstraat*га ўтиб бораман. *Warmoesstraat*ни ортда қолдиргач, *Oudekerksplein*ни айланиб ўтишим билан *Oudezijds Voorburgwaal* қаршисида пайдо бўламан. Ҳар қадамда ичкаридан алвон нур таратиб турган ҳажмдор ойнавандлар, уларнинг ортида эса, дафъатан дарпардаларни сургач, шинавандаларга суқ билан тикилган ва уларга маълум ишоралар қилаётган шир яланғоч хонимчалар. *Oudezijds Voorburgwaal*нинг эгизаги бўлган *Oudezijds Achterbrugwaal*да ҳам, ҳов нарироқдаги *Bloedstraat* ва *Barndesteeg* бўйларида ҳам айни манзара. Гоҳ дарпардалар ортига аланглаб, гоҳо хижолатдан ерга киргудек бўлиб, тезроқ бу залолат маконини ортда қолдиришни истаганча йўлақларни тўлдирган шинавандлар аро кетиб борарканман, ўша алвон нур таратаётган ойнавандлар ортидан чақалоқнинг элас-элас эшитилаётган муттасил йиғиси диққатимни тортади. Турфазабон оломондан четлашиб, яна қулоқ тутаман. Бу аниқ ва равшан эди – аллақайдадир шу атрофда чақалоқ ичикиб-ичикиб йиғламоқда эди. Диққат билан қулоқ тутарканман, юракни эзиб юбораётган муттасил чақалоқ овози тобора равшанроқ эшитилар, бунга сайин атрофга алангларканман, ўзимдан бошқа ҳеч ким йиғига эътибор қилмаётганидан таажжубим ортарди. Овознинг кучайиб боришига кўра тусмоллаб борарканман, қандайдир тор кўча, аниқроғи бир йўлак бошида пайдо бўлдим. Ҳатто шу ҳам бир ном билан сийланган йўлак шу қадар тор эдики, бу ердан фақат баайни чумолилар издиҳоми каби юриб ўтиш мумкин, қарши томондан келаётган йўловчига эса деворга жипсланиб йўл бериш лозим эди. Бу ерда ҳам ўша алвон нур таратаётган ойнавандлар. Ойнавандлар қаршисидаги, тўғрироғи уларнинг соҳибалари қаршисидаги дастлабки ҳадикларим бирмунча ариган, энди ўзимни гўёки бошқа кунда-шундалар каби ишончлироқ тута бошлагандим. Шу сабаб ичкарига дадилроқ кўз ташлар, бунга сайин у ёқдан юборилаётган ишораларга нишон бўлардим. Аммо мен учун айни пайтда ҳамон тинмаётган ўша йиғи манбаини топиш, залолатга ботган бу маконда қайдан чақалоқ пайдо бўлганини аниқлаш муҳим эди. Бу ҳолатда ақл бовар қилмас улкан тафовут бор эди. Бир томондан, неча замонлардан буён лаънатларга ўлжа бўлган бу қусурлар, исловатлар маскани ва унинг аллақайси гўшасида тиним билмай йиғлаётган чақалоқ. Бирдан йиғи тинди. Хавотирлана бошладим. Балки оч қолганидан, эҳтимол хасталаниб қолгач, иситма ичида ўксиб-ўксиб йиғлаган у мурғак вужуд онаси келавермагач, жон таслим қилган бўлсамиз? Энди саросимада у ойнадаванддан бунисига ташланарканман, чақалоқни тирик топиш умидим сўниб борарди. Ана, сўнгги ойна ва сўнгги умид. Истар-истамас яқинлашиб, ичкарига назар соламан. Ичкарида эса тимқора бир фоҳиша бўлик

мамаларини тутганча тиззасидаги чақалоқни эмизмоқда эди. Ойнага ёпишгундай бўлиб, бақрайиб қолганимни кўрган аёл оппоқ тишларини кўрсатиб, нимадир деб имлади. Шу дам сесканиб кетдим. Унинг тиззаларидаги чақалоқ машғулотини тўхтатиб, туйқус мен томон қаради. Чақалоқнинг пешонаси туртиб чиққан, тимқора юзидаги кўзлари эса шаҳват олови билан чақнарди. Аллақаердан ўнг кўлида пайдо бўлган папиросни дамбадам бурқситаркан, “кел, келавер, бемалол-беҳадик киравер” деган каби у ҳам менга ойна ортидан ишоралар қила бошлади. Ортга чекинарканман, сўнгги бор кўрганим бу “чақалоқ” ўзи ўралган йўргакларни жаҳд билан улоқтириб, мен томон лапанглаб келётгани бўлди. У бўйи бир қарич пакана эди. Мен нечанчи бор залолат билан тўйинган бу макондан нари қочаман - қип-яланғоч хонимлар эса маконларидан ташқари отилиб, ортимдан қах-қах отиб кулишади, устига устак, бу мавзени тўлдирган шинавандалару қўлларида папирос бурқситаётган тимқора паканалар ҳам уларга жўровоз бўлади. Муюлиш кетидан муюлишни ортда қолдириб, бири бошқасидан фарқ қилмас торкўчаларда яна батамом адашаман.

* * *

Биз ўшандан сўнг орқа-олдимизга қарамасдан уйимизга ошиққандик. Шу сабаб ҳам биз кўрмадик — Папирос тутатаётган қўриқчилар. Қоронғу йўлак қўриқчилари. Улар қоронғу йўлакдан ўтишига қўймайдилар. Бунинг устига устак, уларнинг яна бир вазифаси бор — пойлоқчилик. Мана шу папирос тутатаётган қўриқчилар уни (менинг қўшним ва сенинг дугонангни) имлаб чақирдилар. Мана, у қоронғу йўлак томон кетиб боряпти. Кетиб бораркан, унинг ишончи комил — қўриқчи-пойлоқчилардан эсон-омон ўтиб олади. Бунинг учун худди мана бундай қилиб папирос ёндириб олса бас. У ёғи эса омонлик. Омонликка чиққач эса ундан сўнг кал одамнинг боши каби сип-силлиқ орт қолади — унут бўлади ҳаммаси. У қўриқчи-пойлоқчилар томон бамайлихотир-бепарво юриб бораркан, хаёлидан шу ўйлар кечарди. У шундай бўлишини, айнан худди шундай бўлишини истарди. Истак. — истакнинг бағрида доимо лаззатли хомхаёл орзу кулала бўлиб ётади, ётаверади.

У қоронғу йўлак оғзига келгач, қўриқчилар қўлларидан тутдилар. Саноқсиз милтиллаган чўғлар орасига чўк тушишига мажбур этдилар. Қўлига эса эҳтиёт шарт қилиб бир қанча папирос тутқаздилар. Ўлат оралаган шаҳарнинг барча фуқаролари бунда эди. У хаёл қилди — нега шаҳар буришиб-тиришиб қолмайди, бир томонга оғиб кетмайди, нега?

Ҳар кимнинг ўз папироси бўлсин экан. Унинг кўлидаги папирос барибир қачонлардир тугайди. Ўшанда бошқа бировдан сўрашига номус қилади. Зотан, ҳар кимнинг ўз папироси бўлсин экан. Унинг кўлидаги папирос эса барибир қачонлардир тугайди. Ўшанда унинг кўлидаги сўнгги папироснинг тутунни кўкка ўрлай-ўрлай охири охир-оқибатда шапалоқдай кукуни либосининг енгига тушади. Ва у қарайди — нимадандир ёки кимдандир таажжубда қолган каби ва у қарайди. Қарайди-ю оғзидаги сўнгги тутунни халқа-халқа қила кўкка равона қилади. Қарайди-ю папироснинг кукунини бемалол-бежавотир ёки бепарво қоқиб ташлайди...

Еттинчи боб

XVII

Кечадан бошланиб, бугунда давом қилаётган ва бугуннинг ўзидан эса сезилмасдан муттасил эрта бағрига сингиб бораётган вақтнинг маккорлиги нимада? Аслида Ҳолик “бир замонлар” бир ишора билан мавжудликда бор қилган вақт моҳияти инсон мангу яшаши ваъда қилинган замонларда ҳам шу бугунги каби эдими? Эҳтимол, инсон Ҳазрати Лаъиннинг йўриғига йўрғалагач, Тангри тарафидан мангуликдан мосуво этилган дамлардан буён барча ният ва аъмолларини вақтнинг айрим парчалари билан муттасил муқояса қилишга маҳкумми энди? Аслида, замонлар остонасида, замонсизликлар даврида ақл бовар қилмас ёпишқоқ ва шилимшиқ самовий матодан бино қилинган вақт инсонлар борлиғи, шуур-тафаккурлар аро муттасил тарзда оқиб ўтади, ўтаверади. Ёхуд билъакс, айна инсонлар замонлар кечган сайин ҳис этилмас ҳолатга келган ана шу мато аро ҳаракат қиладилар, яшайдилар ва урчидилар. Ҳар не бўлганда ҳам ҳар икки ҳолатда хусусий ҳаётлар ана шу мато унсурлари билан тинимсиз дуч келиш оқибатида сидирилиб, емирилиб, сийқаланиб боришга маҳкум. Вақтнинг эҳтимол тугилган маккорликларидан бири шундадирки, унинг барча жойда барчага тақсимланиши бир хилда эмасдир. Тўғрироғи, унинг зичлик даражаси барча жойда бир хил эмас ва инсонлар у аро саргардон кечаркан, сийраклашган минтақалардан бахтиёр-беармон учиб ўтадилар ва, билъакс, зичлик даражаси юқори бўлган манзилларда эса андуҳлар аро йиллаб саргардонликда қолиб кетадилар. Саргардонликда қоларканлар, аввалги замонларда кечган ҳолатлар хотираси тобора хира тортиб бораверади ва баайни аввал бўлмагандек, фақат айна мана шу андуҳли ҳозиргина ягона воқелик каби туюла боради. Аммо, ҳар не бўлганда ҳам, гарчи энди олис бир туш каби туйила бошлаган бўлса-да, ана ўша, аввалги замон бор эди-ку, бўлиб ўтди-ку. Неча-неча заковатларни уни англаш йўлида кунпаякун қилган вақт ҳақида бесамар сафсата сўқиётган менинг мисолимда унинг (вақтнинг) моддийлик тақсимоти, яъни кечаги ўтмишим билан бугунимнинг зичлик даражаси не қадар бўлса? Бугунимнинг зичлиги кечаги кунимнинг сийраклигини олисларга беомон улоқтириб, уни (кечаги кунимни) мандан бегона қилишга, гўё кечаги ўтмишинг бўлган эмас, мавжудликда воқеъ эмас ва у сен бугуннинг бағрида муттасил кўраётган узлуксиз бир тушнинг элас-элас парчаларидан бошқа нарса эмас, деб уқдирмоқчи бўлади. Бунга сайин иродам чатнайверади, ўзимга уқдирилайётган таъкидларга чиндан ишона бораман, аммо дафъатан ёпирилиб келган бир тўлқин, шу пайтга қадар шуурнинг аллақайси бурчида яширин бўлган, энди эса алланарсаннинг таъсирида уйғониб, бирдан ўзини намоён этишга аҳд қилган хотиралар тўлқини мени яна нечанчи қайта ўша олис болалик воқелигига улоқтиради.

* * *

Болалигим хотиралари ҳидлар билан тўйинган. Ана, қишлоққа туташиб кетган пахтазорда эканман, шу атрофдаги йўлдан кўтарилган чанг-ғуборлар инган момиқларнинг хос ҳиди атрофга элас-элас таралади. Ҳов нарида ўроқ солинган бедазордан таралаётган намчил ҳид эса барчасидан устун – у шу қадар воқеъ, шу қадар чинки, бошқа ўтлар ва гуллар ҳиди билан омукталашиб, иштаҳаларни очиб юборадигандай. Неча замонларки, бу атрофда бозорга илк бор менинг бобом ҳандалак олиб чиқади. У ҳар гал биринчи ҳандалакни менга илинар, гўёки шу билан бозорининг баракасини тилаётган бўларди. Мана, ҳозир ҳам бобом билан полиз оралайман, эгатларда барглари остида яширинган бу олтинранг мўъжизалардан таралаётган ҳидлар, ҳидлар эмас – мушки анбарлар димогимни қитиқлайди. Бобом энг сара, бандидан узилгач, тарсиллаб ёрилай деб турган ҳандалакни танлайди. Кўзларимни куйдирганча бир-икки қайта осмонга улоқтириб, яна тутиб олади. Сўнг полиз четдаги қапада иккимиз уни паққос туширамиз. Тандирдан эндигина

узилган бўрсилдоқ нон ҳидининг ўзигаёқ тўйиш мумкин эди у дамлар. Ўзим ҳозир, айна пайтда қўним топган бу юртнинг бегона ва сохта ҳидларидан фарқли, ўша ўзим улғайган қадрдон уйнинг чин ҳидларини соғинаман.

Болалигим хотиралари ҳидлар билан тўйинган. Мана, узоқ айрилиқдан сўнг дафъатан қишлоғимга кириб бораман. Қадрдон ҳовлини топиб, остона хатлайман. Барча қадрдонларим бунда жамул-жам. Ўша болалигимдан таниш эски сандал атрофида сокин суҳбат қуришади. Менга кўзлари тушгани ҳамон, онам ва эналарим ўз кўзларига ишона олмай тараддудда қолишади-да, сўнгра уввос солиб йиғи кўтаришади, қайтганинг ростми, болам, болагинам, чарчамай келдингми, энди ўқиш-хизматларинг битгандир, қоларсан энди?! Бири қўйиб, бошқаси бағирларига оларкан, менинг ҳам кўзларимдан шаиқатор ёшлар оқиб кетади. Ажаб, ҳеч маҳал кўзларида ёш кўрмаганим бобом, ўша мен билган, гўё бу оламдаги энг жасур бобом ҳам ўқсиб-ўқсиб йиғларди, кел, отагинам, бағримга босай, сени кўрмасдан ўлиб кетаманми, деб қўрққанидим, энди бу ёғига армоним қолмади. Бобом билан қучоқлашиб кўришарканман, дафъатан ўша азалий ҳид, йиллар давомида кийилавериб, ювилавериб, ёқалари яғир бўлиб кетган яктагига сингиб кетган ҳид, тер ҳиди димоғимга урилади. Саксонмиди ва ё тўқсонни қораласа-да, қўлидан кетмонини қўймаган деҳқон бобомнинг ҳиди, қаерда бўлмай қадрдон далаларни ёдимга келтирувчи ўша азалий тер ҳиди.

XVIII

Неча замонларки, у ўзида бир кўркув ташийди. Ҳадик, ҳаяжон ва умуман, етишувга томон бўлган қалбдаги барча эш тебранишларни ўзида жам қилган туйғулар унинг журъатини ҳамиша кунпаякун этиб келган. Айтайлик, у неча вақтдан буён орзулаган, излаган ва ниҳоят, топган аллақайси китобни титроқ қўллари билан тутиб, навбатдаги бир тилсим ёхуд санам каби жавонга қўяркан, уни варақлашга юраги чопмай кунлаб ташқаридан кузатади, кузатаверади. Ана, ҳали ўзи туғилмасидан анча аввал чоп этилган, дағал мукова билан сийланган бу китоб нималар ҳақида ҳикоялар сўйласа? Ўзи неча замонлардан буён хаёл қилган, мана шу хаёлининг рўёбини, ёки жиллакурса, назарда тутилган рўёбга ишоратларни бу китобдан топа оладими? Мутлақ ёлғизлик дамларида тархини хаёлан ўзи чизиб чиққан ўша мукамал китоб белгиларини, мутолаа давомида чин билан рўё, туш билан бедорлик чегаралари барбод қилинажак, бировларнинг эҳтирослари бошқалар қалбида баайни ўзиники каби аксланажак, хотимада эса ўзидан бошқа китобларни барпо этажак ўша китоб фазилатларини топа оладими? Ниҳоят, ўзида журъат топиб, титроқ қўллари билан китоб юзасини оҳиста силай бошлайди. Бу бир маросим эди, бу бир муштоқлик эди. Муштоқликки, мутолаани бошлар экан, баайни ҳадемай етиб келажак кутилмиш эврилишлар, бир тақдирлардан бошқа қисматлар томон оҳиста ва табиий сизиб ўтишлар гирдобини ўз қон томирларида сезиш лаззати. Муштоқликки, бегона ва хатар ҳидлари билан тўйинган ўша бесамар қочқин оқшоми ниҳоясида ғанимларга асир бўлиш ва эҳромнинг зах ертўласида ўзини кунпаякун ҳолатда топиш алами. *Деворларда акс-садо берган қичқириқдан, бўғизланаётганники каби хириллоқ овоздан ҳушига келди. Диққатини жамлаб қулоқ тутди – овоз чиқаришига ҳоли қолмаган кимдир энди инграй бошлаганди. Бу овоз унинг ўзига тегishiли эди, у ҳали тирик экани учун ҳам қичқирар, унинг вужуди ҳадемай содир бўлажак нарсадан, муқаррар етиб келажак якундан шу йўсинда паноҳ изларди. У дафъатан қўшни ертўлаларда ўз қисматларини кутаётган ва ё аллақачон қурбонликка олиб кетилаётган қабиладошлари ҳақида хаёл қилди. У бор кучини жамлаб, вужудига ботаётган арқонлардан бўшалишига уриниб кўрди. Кучлироқ ўнг қўлида шу*

қадар зўриққанидан қаттиқ оғриқ турди ва уринишларини бас қилишга мажбур бўлди. Бир маҳал рўпарадаги эшик очилиб, ёруғликдан олдинроқ машъалалардан таралаётган тутун ҳиди ичкарини забт этди.

Неча замонларки, у ўзида бир кўрқув ташийди. Кўрқувки, ҳов бир замонлар, қай бир ўлканинг аллақайси шаҳрида яшаб ўтган бир кимсанинг хатарларга лиммо-лим, қачонлардан буён қуяётган жала қўйнида чақинлар жўровозлигида бир издиҳом оломон ичра аллақайқа қочиб бораётган кимсанинг ажал манзараларига лиммо-лим таҳликаси чиндан содир бўлганми эди? Агар чақинларини бас қилмаган ва пажмурда жасадларга тўйинган ўша оқшом бир кўрқинч туш бўлса ва ёки чекинмас дард туфайли оташ исканжасида ёнган хаста тафаккурнинг мудҳиш маҳсули бўлса, унда нега у шу қадар моддий, шу қадар чинакам? Аслида бўлмаган аллақайси бир кимсанинг ўйлаб топилган шуурида кечган алаҳсирашлар гирдобини нега уни энди ҳоли қўймайди, билъакс ҳар гал уни яна қайта ўша машъум тунга қайтараверади? У тунда эса нимчорак, чорак, ярим-ёрти таналар. Бошсиз, қўлсиз, оёқсиз таналар. Пажмурда жасадлар. Танини ҳаёт тарк этган инсон жасадининг шу қадар хунук, бунчалар пажмурда манзараси. *Яна ажал ҳиди анқий бошлаганди. Кўзларини очгач, қурбонлик келтиришга шай қоҳиннинг қонга беланган гавдасини кўрди. Қоҳин қўлида тош ханжар билан ўзи томон яқинлашарди.*

Аслида у билан содир бўлмаган, балки бошқа кимнингдир ҳаёлида ўйлаб топилган қайсидир бир кимса алаҳсирашларининг маҳсули бўлган ўша кеча лавҳаларини ниҳоят ҳаёлидан қувиб солишга аҳд қилган эди. Бунинг учун эса чиндан содир бўлган ёки ўйлаб топилган ўша машъум манзараларни қоғозга туширишга киришди. Иштиёқ билан, тезроқ поёнга етказиш илинжида, гўёки содир бўлган фожианинг барча кўринишларини бир тизимга жойлаштираркан, сатрлар аро бўй кўрсатаётган укубатлар, айни укубатлар оқибатида тузалмас шикаст еган тасаввур-тафаккурларнинг азоби уни тобора ўз домига тортиб борарди. Ва сўнгида хўрлик алами билан даҳшат ичра англаб етдики, кимларнингдир бошидан кечирган мана шу барча мусибатлар энди унинг ҳам қисматига, ўзи ҳамиша ёнида олиб юришга маҳкум йўлдошига айланиб улгурганди. Шу дам қачонлардир қайдадир содир бўлган ҳодиса яна такрорланди. *Нима бўлганда ҳам ўшанда ёки ҳозир мурдазор ичра ётаркан, пароканда таналарнинг беўхшов кўриниши ва... ва қон ҳиди, май қуёшида кун бўйи товланиб, энди эса ёмғирни ўзига эмаётган асфалт қўлансаси билан омухталашган қон ҳиди уни батамом ақлдан оздира бошлади. Яқинлашиб келаётган телбалик сўқир тишларини беомон ботираётганини сизди ва ҳали-бери тинай демаётган осмон қасиргаларини-да, ярадорларнинг оҳлари тингач, атрофга иниб бораётган сукунатни-да қўпориб юборар даражада бир фарёд бўғзидан отилиб чиқди...*

(тамом)

2010, The Netherlands,

www.nodirshams.wordpress.com